

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



ЮРИДИК ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ САФДОР ВА СЕРЖАНТЛАР
ТАРКИБИДАН ОФИЦЕРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАЙИНЛАШ
УЧУН ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ЎҚУВ КУРСИНИНГ ЮРИДИК
ТАЙЁРГАРЛИК БЛОКИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ – 2023

Мазкур ўқув-услубий мажмуа “Ички ишлар органларининг сафдор ва сержантлар таркибидан офицерлик лавозимларига тайинлаш учун қайта тайёрлаш ўқув курси”нинг ўқув дастури асосида тайёрланган.

Тузувчи:

Д.Ж.Эшқулов

ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси, капитан

Тақризчилар: ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий фанлар кафедраси доценти, подполковник Ж.С. Мухторов
Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими бошлифи, подполковник Ш.М.Орзиқулов

Ўқув-услубий мажмуа Ички ишлар органлари (бошқа хизмат)га тўғридан-тўғри танлов асосида қабул қилинган ходимлар билан бошланғич касбий тайёргарлик ўқув курсида таҳсил оладиган тингловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва унинг асосий принциплари, норматив-хуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари, жамоат тартиби ва қонунийлик, хуқуқий хатти-ҳаракат, хуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик, маъмурий хуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик, жиноят учун жавобгарликнинг асослари, жиноят-процессуал қонунчилиги ва ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик хуқуки тушунчаси ва моҳияти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг хуқуқий асосларининг юридик мазмuni ва аҳамияти ёритиб берилган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти Илмий кенгашининг 2023 йил “___” _____даги “___” - сонли йиғилиш муҳокамасидан ўтказилган ва маъқулланган.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	4
Модул бўйича дарслар тақдимоти.....	6
Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси мазмуни ва асосий қоидалари.....	7
Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари.....	17
Ўзбекистон республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти.....	29
Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик тушунчаси.	
Маъмурий жазо чоралари. МЖтКнинг ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқиладиган моддалари тавсифи (МЖтКнинг 248-моддаси.)	39
Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 40, 41, 47, 52, 56 ¹ , 61, 61 ¹ – моддаларида белгиланган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....	52
Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183, 187, 188 ³ , 190, 194 ва 195, 223 – моддаларида белгиланган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик	58
Жиноят тушунчаси, белгилри, таркиби ва турлари	64
Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари ҳамда жазо турлари	70
Жиноят-процессуал қонунчилиги. Жиноят процессининг иштирокчилари	76
Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш асослари ва тартиби	88
Тахминий тест саволлари	98
Глоссарий	103
Адабиётлар.....	106

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 04 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 август кунидаги “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув кариера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сон буйруғи ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларини ахолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталиктин янада мустаҳкамлаш мақсадида ички ишлар органларига танлов асосида қабул қилинган ходимларни юридик тайёргарликдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталиктин қарор топтириш, инсон ҳукуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳукуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳукуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ушбу ўқув-услубий мажмуанинг мақсади Ички ишлар органларига танлов асосида қабул қилинган ходимларни юридик тайёргарликдан ўтказиш, малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, уларнинг касбий интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш, куч ва воситаларни самарали бошқаришнинг ҳукуқий асосларни тушунтириш, шунингдек ходимларда (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) хизмат чинакам халқпарвар Ички ишлар органи ҳодими сифатида шакилланишида касбий билимлар беришдан иборат.

Ўқув-услубий мажмуанинг асосий вазифалари:

Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси мазмуни ва асосий қоидалари тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш;

норматив-ҳукуқий хужжат ва ҳукуқ нормаси каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятига оид билимларни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти тўғрисидаги билимларини такомиллаштириб бориш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик, маъмурий жазо чоралари ва уларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби тўғрисидаги билимларини шакллантириш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари, уларнинг турлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш моҳияти ва тартибига оид билимларни шакллантириш;

жиноят қонуни, жиноят тушунчаси ва белгилари, жиноят учун жавобгарликнинг асослари, жиноят таркиби тушунчасига оид билимларни шакллантириш;

жиноий жазо тушунчаси, мақсади ва турларининг мазмани ва моҳиятини етказиш;

жиноят-процессуал қонунчилиги ва ўзига хос ҳусусиятлари, жиноят процесси иштирокчилари ҳамда процессуал мажбуров чоралари тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини шакллантириш;

Тингловчи:

Миллий мафкура, маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримиз, миллий ва маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мафкуравий иммунитет, шунингдек ахборот хуружи ва оммавий маданият каби омил ва жараёнларни тушунтирган ҳолада, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, унинг мавжудлигининг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унда шахснинг ҳуқуқий мақоми, инсон ҳуқуқлари, давлат органлари тизими, уларни ташкил этиш, ваколати ва фаолият шакллари, ҳуқуқбузарликлар турлари, жиноят ва жиноят процессул қонунчилиги, фуқаролик ҳуқуқига оид **билимларга** эга бўлиши керак;

Тингловчи:

ИИО фаолиятига тааллуқли ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш, транспорт воситаларини ушлаб туриш, қўрикдан ўтказиш ва расмийлаштириш, транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш ва расмийлаштириш каби **кўникмаларга** эга бўлиши зарур;

Тингловчи:

Фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг таркиби ва таснифлаш меъзонлари, жиноят қонунини қўллаш, жиноятларни бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи(зарурий мудофаа, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарап етказиш ва х.к.) ҳолатларни ажратиш, процессуал ҳужжатларни тузиш каби малакаларини эгаллаши лозим.

Тингловчиларда:

Юридик тайёргарлик модули бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини касбий, шахсий ва ижтимоий фаолиятларда амалий қўллай олиш **компітенцияларини** шакиллантириш лозим.

Модул бўйича дарслар тақсимоти:

Юридик тайёргарлик		Умумий юклама хажми	Аудитория соати	Марузга	Семинар	Амалий маш	Мустақил мактабалар	Назорат
		46	46	20	16		10	
1.	Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси мазмуни ва асосий қоидалари	4	4	2	-	-	2	-
2.	Норматив-хукуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари	4	4	2	2	-	-	-
3.	Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ти қонунининг мазмун-моҳияти	4	4	2	2	-	-	-
4.	Маъмурий хуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик тушунчаси. Маъмурий жазо чоралари. МЖтКнинг ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқиладиган моддалари тавсифи (МЖтКнинг 248-моддаси)	6	6	2	2	-	2	-
5.	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 40, 41, 47, 52, 561, 61, 911 - моддалагида белгиланган ҳиқиқбизагликлаг учун таътигий жавоббаглилк	6	6	2	2	-	2	-
6.	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183, 187, 188 ³ , 190, 194 ва 195, 223 - моддаларида белгиланган хуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик	6	6	2	2	-	2	-
7.	Жиноят тушунчаси, белгилари, таркиби ва турлари	4	4	2	2	-	-	-
8.	Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари ҳамда жазо турлари	2	2	2	-	-	-	-
9.	Жиноят-протессуал қонунчилиги. Жиноят протессининг иштирокчилари	4	4	2	2	-	-	-
10.	Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш асослари ва тартиби	6	6	2	2	-	2	-

1-МАВЗУ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ. (Маъруза машғулоти – 2 соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи: Конституциявий тузум ва унинг элементлари.


2-ўқув саволи: Давлат суверенитети. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги давлат-ҳуқуқий белгилари.

3-ўқув саволи: “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни лойихаси.

1-ўқув саволи. Конституциявий тузум ва унинг элементлари.

«Конституциявий тузум» – инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари тан олинадиган ва кафолатланадиган, давлат эса ҳуқуқقا ва, аввало, демократик Конституцияга бўйсунадиган ҳокимиятни ташкил этилиш усулини мустаҳкамловчи ҳуқуқий муносабатлар тизими.

«Конституциявий тузум» тушунчаси икки асосий белгига эга:



биринчидан, бу давлатнинг ташкил этилиш усули: бир давлатни бошқасидан ажратиб турувчи белгилар (давлат тузуми, бошқарув шакли, сиёсий тартиби ва бошқ.) йиғиндиси; иккинчидан, бу давлатни ташкил қилишнинг шундай усулидирки, бунда давлат унинг фаолиятини ҳуқуқий чекловлар билан тартибга солиш орқали инсон манфаатларига, унинг табиий ҳуқуқ ва эркинликларига бўйсундирилади ва у ана шу чегаралардан чиқа олмайди. Бундай чекловни қонунлаштиришда конституция мухим ўрин тутади.

Конституциявий тузум давлат ҳокимиятини ташкил этишининг шундай шакли ё усулидирки, бунда давлат идораларининг, мансабдор шахсларнинг ҳуқуққа, қонунга қатъий итоат этиши таъминланиб, давлат ўз моҳиятига кўра конституциявий давлат сифатида намоён бўлади. Давлатнинг фаолияти Конституция билан, ҳуқуқий талаблар билан меъёрланиши, чегараланиши, аввало унинг нормал, демократик мазмунда амал қилишини таъминлайди. Қолаверса, фуқаролик жамияти мавжуд бўлиши ва фаолият юритиши учун шарт-шароит яратади.

Конституциявий тузум хукмрон бўлган мамлакатда давлат ижтимоий муносабатларга аввало ҳуқуқий нормалар воситасида, уларга қатъий амал қилган ҳолда таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий талаблар ва Конституциянинг устуворлиги конституциявий тузумнинг асосий ифодаси ва бош мезонидир. Конституциявий тузум Конституцияда ўз аксини топган ҳамда жамият ва давлат ҳаётида мавжуд бўлган реал турмуш тарзидир.

Конституциявий тузум бутун ҳуқуқ нормалари тизими, турли ҳуқуқ тармоқлари билан мустаҳкамланади. Конституциявий ҳуқуқ конституциявий тузум асосларини, яъни давлат қурилишининг асосий принципларини, унинг инсон ва жамият билан ўзаро муносабатларини, давлатнинг биргаликда батартиб ва нисбатан яхлит тизим ҳосил қилувчи ҳамда ҳуқуқнинг қолган барча норматив қоидаларида акс этувчи муҳим хусусиятларини тартиба солади. Ўзбекистон Конституциясида конституциявий тузум асосларига бағишланган боб ва моддалар мавжуд (И бўлимнинг И – ИВ боблари).

Конституциявий тузум асосларини конституциявий ҳуқуқнинг ўрганиш предметини ташкил этади. Конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаи 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Асосий қонуннинг нормалари миллий ҳуқуқ нормалари ичida энг олий юридик кучга эгадир.

Конституциявий тузум – инсоният ижтимоий турмушининг буюк ғалабаси, умум эътироф этган ҳаёт шакли ҳисобланади. Уни заифлаштиришга, унинг барқарорлигига путур етказишга, конституциявий тузилмалар обрўсини тўкишга қаратилган ҳар қандай уриниш ҳуқуқий давлат руҳи ва моҳиятига зид келади. Конституция мавжуд тузумга қарши қаратилган ҳаракатларга йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида конституциявий тузумнинг асосий принциплари мустаҳкамланган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат: давлат суверенитети, ҳалқ ҳокимиятчилиги, демократизм, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, ташқи сиёsat принциплари.

Конституциявий тузумнинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг суверен демократик давлат эканлиги, унинг моҳияти, ички ва ташқи ишларда мустақиллиги, давлат ҳокимиятининг устунлиги, хорижий давлатлар билан ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалар асосида иш олиб боришга қодирлигига намоён бўлади.

Шунингдек, мазкур принциплар сирасига ташқи сиёsat принциплари ҳам киради. Конституциянинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти ҳисобланади. Унинг ташқи сиёsatи давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ва ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ҳамда нормаларига асосланади.

Мазкур принциплар Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосини ташкил этади. Конституциянинг бошқа бўлимидағи ҳуқуқий нормалар конституциявий тузум принципларига зид бўлмаслиги лозим .

2-ўқув саволи. Давлат суверенитети. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги давлат-хукуқий белгилари.

«Суверенитет» французча сўз бўлиб, давлатнинг ташки ишларда мустақиллиги ва ички ишларда устунлигини билдиради. «Суверенитет» атамасининг ўзагини ташкил этувчи «суверен» сўзи эса, «олий ҳокимият соҳиби» деган маънони англатади. У давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти ҳамда давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида «Ўзбекистон – суверен демократик республика» эканлиги мустаҳкамланган.



«Суверенитет» атамаси субъектга кўра қўлланади. Уларнинг бир-биридан фарқли томонлари эса субъектларнинг мақомида намоён бўлади. Суверенлик қонунга асосан берилади ва чекланади. Шу сабабли давлат суверен бўлишига қарамай чексиз ҳокимиятдан фойдалана олади, деб айтиш мумкин эмас. Давлат ўз ҳокимиятини қонуний ваколатлар доирасида амалга оширади ва унинг чегарасидан чиқиб кета олмайди. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти халқаро хукуқ нормалари асосида ва уларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Суверен ҳисобланган давлат, миллат ва халқ ўз суверенитетининг амал қилиши ёки ундан фойдаланиш учун муайян фаолият, соҳа ёки маконда бошқа сиёсий-хукуқий субъект (институт)лардан устунлиги жиҳатидан фарқ қилувчи ваколатларга эга бўлади. Масалан, суверен давлат ўз ҳудудида сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ижтимоий ҳаракатлардан мустақил ҳолда умумий бошқарувни амалга оширади ва халқаро муносабатларда бевосита ташки алоқаларни олиб боради.

«Халқ суверенитети» тушунчаси халқнинг ўз манфаатлари йўлида ўз ҳокимиятини ўзи тегишли конституциявий механизм (шакл, усул, принцип, қоида)лар орқали мустақил ҳолда амалга оширишини англатади. Халқ ўзининг тўла ҳокимиятини ҳеч бир ижтимоий субъект билан бўлишмаган ҳолда жамият ижтимоий соҳаларининг тўла хукуқли субъекти ҳисобланади.

Давлатнинг суверенитет соҳиби сифатидаги давлат-хукуқий белгилари – унинг умумий хукуқий мақомини ифодаловчи жиҳатларидир. У ўз ичига маълум қоидаларни қамраб олса-да, умумий ташки белгиларнинг муштараклигини англатади. Шунингдек, суверен давлат белгилари алоҳида белгилар йиғиндиси бўлиб қолмасдан, давлат белгиларини мустаҳкамлайди. Жумладан, мамлакат ҳудудининг яхлитлиги давлат суверенитетининг муҳим белгиси ҳисобланади.

Ҳар бир давлатнинг суверен давлат эканлиги, аввало, унинг конституцияси (конституциявий қонунлари)да белгилаб қўйилади. 1990 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги

тўғрисидаги декларацияси ҳам суверен давлат сифатида тавсифлайдиган белгиларга эга. Жумладан, унда қуидаги қоидалар белгилаб қўйилган:

«Ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда, Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадрияларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қиласди».

Мазкур декларация Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг сиёсий-ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаб берган бўлиб, давлат ва жамият ишларини ҳал этишда халқقا тўла ҳуқуқ беради ҳамда Конституция ва қонунларнинг мамлакат ҳудудида устунлигини белгилайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат эканлиги 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда ҳам мустаҳкамланган. «Мустақиллик декларацияси» ва «Ўзбекистон Республикаси нинг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг асосий ғояси ва қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Давлатнинг суверенитети унинг фаолиятида, жумладан барча ҳуқуқий муносабатларни, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгилаши каби белгиларида намоён бўлади.

Давлатнинг бутун ҳудудида унинг олий органи томонидан чиқарилган Конституция ва қонунлар устунлиги давлат суверенитетини билдирувчи асосий белгидир.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида халқаро муносабатларнинг teng ҳуқуқли субъекти ҳисобланади ва бошқа давлатлар билан бевосита муносабатлар олиб боради. Конституцияда Ўзбекистоннинг суверен давлат эканлиги қонуний тарзда мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлат халқнинг расмий вакили сифатида ўз фуқароларининг манфаатларини ифода этар экан, суверен бўлган ҳолдагина у фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла-тўкис таъминлаши мумкин.

З-ўқув саволи.
“Ўзбекистон Республикаси
Конституциясига ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш
тўғрисида”ги Конституциявий
қонуни лойиҳаси.



Комиссия раиси Акмал Сайдовнинг сўзларига кўра, Конституцияни ислоҳ қилиш бўйича жаҳон тажрибасида уч хил йўналиш мавжуд:

- Конституцияни буткул янгидан қабул қилиш;
- Асосий қонунни янги таҳрирда қабул қилиш;
- Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

«Биз Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўлидан бораяпмиз. Бу хориж давлатларида ҳам кенг ривожланган йўл ҳисобланади», — деди у.

Таклифларни юбориш, қабул қилиб, таҳлилдан ўтказиш жараёнидан асосий мақсад ҳар бир фуқаро, ҳар бир ташкилот томонидан билдирилаётган таклифларнинг конституцион комиссия томонидан кўрилиб чиқилишини таъминлашдан иборат.

Таклиф юборишнинг бир неча муқобил имкониятлари яратилмоқда:

- tepimpkonstitutsiamt.iz веб-саҳифаси;
- маҳалла фуқаро йиғинлари;
- Халқ депутатлари кенгашлари;
- 1341 салл-маркази;
- почта орқали (Конституциявий комиссияга хат юбориш бепул бўлади)
- Телеграм-бот (@tepimpkonstitutsiamt_bot) ёрдамида юбориш мумкин.

Почта орқали комиссияга хатлар бепул тарзда юборилади.

Навбатдаги босқич — «таклифларни рўйхатдан ўтказиш ва бу ҳақда фуқароларни хабардор этиш».

Ҳар бир фуқарога унинг таклифи қабул қилингани ёки йўқлиги бўйича хабар юборилади.

Кейинги мухим босқич — «таклифларни таҳлил қилиш ва конституциявий комиссияга кўриб чиқиш учун киритиш».

Конституциявий комиссия низомига кўра, фақатгина конституцияга ўзгартириш киритиш билан боғлиқ бўлмаган ёки белгиланган муддатлардан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмаслиги мумкин деб белгиланган. Таклиф келиб тушгач, уни кўриб чиқиш муддати 20 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Нима учун айнан бугун конституциявий ислоҳотлар ўтказиш зарурати туғилмоқда?

- ўтган давр мобайнида бутун жамиятимиз қайта уйғонди, одамларимиз янгича фикрлаш, ишлаш ва яшашга интилмоқда;
- Хозирги таҳликали замон, ён-атрофимиздаги мураккаб вазият она Ватанимиз тақдирига янада улкан масъулият билан ёндашиб, кечиктириб бўлмайдиган стратегик қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда.
- Эртанги кунини ўйлаган ҳалқлар ва давлатлар ўз келажаги ҳакида бугун ҳар қачонгидан ҳам жиддий бош қотирмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциявий комиссия аъзолари эътиборини кўйидаги муҳим вазифаларга қаратди:

- Мана шундай ҳал қилувчи паллада ва келажакда давлатимизда, жамиятимизда инсоннинг ўрни ва қадри қандай?
- Қандай сиёсий-хуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-гуманитар тамойиллар, қадрият ва манфаатлар биз учун устувор аҳамиятга эга бўлади?
- Энг муҳими, конституциявий ислоҳотлар оддий аҳолига, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётiga нима беради?”

Ўзбекистон Президенти конституциявий комиссия аъзолари эътиборини тўртта асосий йўналишга қаратди:

- Биринчи йўналиш – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз хуқуқлари ва манфаатлари масаласи;
- Иккинчи йўналиш “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” ғоясининг Конституцияда мустаҳкамланиши;
- Учинчи йўналиш – эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ масала;
- Тўртинчи йўналиш – Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик хуқуқий давлат қуриш масаласи.

Биринчи йўналиш – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз хуқуқлари ва манфаатлари масаласи:



► Инсон – давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмuni ва манбаи ҳамда энг олий қадрият бўлиши лозимлиги таъкидланди;

► Президент
Конституцияга

“Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади”, нормасини киритишни таклиф қилди;

► Конституция ва қонунларида ҳамда инсон хуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда акс этган “Миранда қоидаси”ни кўллаш лозим. Яъни, **шахсни ушлаш чоғида унинг хуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шарт**;

► “Хабеас корпус” институтини ривожлантириш зарур. Яъни, шахс суднинг қарорига қадар қўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас;

► Конституцияга “Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмас”, деб қатъий ёзиб қўйилиши керак;

► Ўзбекистон фуқароси мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ёки яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Ҳар бир фуқарога мамлакатдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш ҳуқуки кафолатланиши лозим;

Ўзбекистон Президенти “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” ғоясини Конституцияда мустаҳкамлашни таклиф қилди. Бу ислоҳотларнинг иккинчи йўналишини ташкил этади:

► Ижтимоий давлат – ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёsat олиб борадиган давлат моделидир;

► Ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутади;

► У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратишни талаб қилади;

► ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун teng имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир;

► Халқимиз орасида “снос” деган ном билан машҳур бўлган муаммо бор. Бундай ҳолатга бутунлай барҳам бериш учун уй-жой бўйича конституциявий кафолатни белгилаб қўйиш лозим. Яъни, суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинmasлиги керак;

Ислоҳотларнинг иккинчи йўналиши доирасида хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатлар кучайтирилади:



Бош қомусимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатларни кучайтирилиши зарур. Токи, катта-кичиклигидан қатъий назар, ҳар бир тадбиркор доимо давлат, Конституция, қонунлар ҳамда Президент ҳимоясида

эканини амалда ҳис қилсан;

► Ривожланган давлатлардаги каби, шундай тартиб ўрнатилиши лозимки, мулкдор суд қарорисиз, ўзининг розилигисиз, адолатли товон пулисиз, мулкидан маҳрум этилмасин;

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқмаслик ҳамда бекор қилмаслик масаласини ҳам Конституциявий қоида сифатида белгиланиши зарур;
- Тадбиркорлар ўз фаолиятидан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли эканини Конституцияда мустаҳкамлаш таклиф этилди;
- Конституцияда товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағлар эркин ҳаракатланишини, давлат ички ва халқаро савдо ривожланиши учун барча шароитлар яратилиши мустаҳкамланиши шарт;
- Асосий қонунимизда ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги аниқ белгиланиши лозим;

Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги энг муҳим принциплари белгиланади:

- Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида маънавий ва ахлоқий етук инсонлар этиб тарбиялаш учун зарур шароитларни яратади;
- Ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгунига қадар уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлиғи, тўлақонли ва баркамол ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш хуқуқига эга ва бунга мажбурдир;
- Ногиронлиги бўлган инсонлар – жамиятнинг тўлақонли аъзолари, деган тамойил негизида конституциявий хуқуқ ва кафолатларини белгилаб қўйилади. «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар қандай ажратиб қўйиш, уларнинг хуқуқларини чеклаш, объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишдан бош тортиш тақиқланади»
- Конституцияда болалар меҳнатига йўл қўймаслик ҳам ўз аксини топиши зарур;
- Инсоннинг меҳнатга ва муносиб ҳаёт шароитларига, ишсизлиқдан ҳимояланишга бўлган хуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш – конституциявий ислоҳотларнинг муҳим мақсади;
- Асосий қонунимизда ҳар бир шахснинг қулай меҳнат шароитида ишлаш, меҳнати учун муносиб ҳақ олиш хуқуқини мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласи ҳаёт кечириши учун етарли миқдорда бўлишини белгилаш таклиф этилди.
- Бош қомусимизда ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилиши шарт

“Ўзбекистон – ижтимоий давлат”ғояси доирасидаги вазифалар:

- Конституцияга давлат чет элда яшаётган ва ишлаётган фуқаролар ҳақида ғамхўрлик қилади деган қоида киритилади;
- инсон саломатлиги – миллат ҳаётининг давомийлигини таъминлаш, унинг генофондини сақлаш, барқарор миллий стратегиямизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади;

► Табиатдаги глобал иқлим ўзгаришлари, Орол деңгизининг қуриши билан боғлиқ вазиятнинг тобора кескин тус олаётгани экологик хавфсизликни ғоят долзарб масалага айлантириди. Шу боис, Конституцияда ушбу йўналишга доир экологик-хуқуқий нормалар ўз ифодасини топиши лозим;

► Таълим, илм-фан ва инсон капиталини ривожлантиришга устувор эътибор бериб келинмоқда. Бош қомусимизда давлат мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимини, турли мулк шаклидаги, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиб бериши билан боғлиқ нормалар ҳам бўлиши лозим;

► Устозга бўлган юксак эҳтиром Конституциямизда ўз ифодасини топиши зарур. Шунингдек, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралashiш, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслиги Конституция даражасида белгилаб қўйилади.

Учинчи йўналиш – эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ масаладир:

► Бизнинг халқимиз учун жамият, аввало, маҳалладан бошланади. Маҳалла – асрлар давомида миллий урф-одатларимиз ва бой маънавиятимизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда;



► маҳалланинг мақомини ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини Асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этилди. Бунда маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича ваколатлари алоҳида белгиланиши зарур.

Тўртинчи йўналиш – Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик хуқуқий давлат қуриш масаласи:



► Хуқуқий давлат – демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлаттир. Шу маънода, “Ўзбекистон – хуқуқий давлат” деган ғояни

Конституциядан ўрин олиши таклиф этилди;

► Конституцияга давлат органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг ихчам ва тежамкор бўлишини таъминлаш юзасидан қоидалар киритиш лозимлиги билдирилди.

► Асосий қонунимизда халқ ҳокимиятчилигини, ҳокимиятларни бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш механизмларини таъминлашни янада кучайтириш талаб этилади.

► ҳукуматни шакллантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашда Олий Мажлиснинг ваколатларини кенгайтириш бўйича тегишли қоидаларни киритиш;

► Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарини тайинлаш бўйича фармон Сенат томонидан тасдиқланиши тартибини жорий этиш;

Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари:

► Ҳукумат томонидан тайёрланган Коррупцияга қарши кураш бўйича йиллик миллий маърузани муҳокама қилиш масаласини парламентимиз ваколатига киритиш;

► Олий Мажлиснинг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларининг конституциявий асосларини кучайтириш;

► Президентнинг айрим ваколатларини Олий Мажлисга ўтказиш: мисол учун, Ҳисоб палатаси раисини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш ваколатини Сенатга ўтказиш мақсадга мувофик;

► Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи институтини ислоҳ қилишни мақсадга мувофиқ. Хусусан, Конституцияга қонунчилик таклифларини киритиш институтини жорий этиш таклиф қилинди

► Конституцияда Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликларнинг экология, ёшлар сиёсатини амалга ошириш, оилани қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қулай жамоат транспортини ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун зарур шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини белгилаш лозим

► Ўзбекистоннинг Миллий хавфсизлик ва Ташқи сиёсий фаолияти концепциялари янги таҳрирда ишлаб чиқилади. Конституциявий ислоҳотларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини янги таҳрирда ишлаб чиқиш зарур

Конституцияда суд-хуқуқ соҳасини такомиллаштириш масалаларининг ифодаланиши:

► Суд-хуқуқ тизимини қораловчи, жазоловчи органдан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш – ислоҳотларимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга

► Конституциянинг олий юридик кучга эга экани, тўғридан-тўғри қўлланиши, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмас ва

дахлсиз бўлиб, ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли экани қайд этилади;

► Асосий қонуннинг ҳимоячиси бўлган Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Конституциявий суд қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимият чиқарган ҳужжатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий принцип ҳамда Конституция нормаларига амал қилинишига эътибор қаратади;

Мустақил таълим учун топширик:

1. Ўзбекистон Республикасининг суверен давлат сифатидаги давлат-ҳуқуқий белгиларини санаб ўтинг.
 2. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларини қабул қилиниши билан боғлиқ маълумотларни конспектлаштиринг.
 3. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органлари қандай таркибий тузилишга эга?
- Ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколат ва вазифаларини айтиб беринг.

2-МАВЗУ: НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ. (МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ – 2 соат)

Машғулот режаси:

- 1-ўқув саволи:** Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари.
- 2-ўқув саволи:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижросини ташкил этиш ва таъминлаш тартиби.

1-савол: Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари.



Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий тизимнинг барча элементлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат ва ҳуқуқ назариясининг фундаментал категорияларидан бири ҳисобланади. Бир томондан, у ҳуқуқ ижодкорлиги, шу

жумладан қонунчилик жараёнининг маҳсули бўлса, иккинчи томондан, у ҳуқуқни қўллаш жараёни орқали амалга оширилиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш воситасига айланади. Ҳуқуқ нормалари йиғиндиси жамият ҳуқуқий тизимнинг норматив асосини, яъни ўзагини ташкил қиласди. Жамиятда қарор топадиган янги муносабатлар уларни тартибга солишга қаратилган тегишли ҳуқуқ

нормаларини яратилишига турткি беради. “Норма” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “қоида”, “намуна” деган маъноларни англатади.

Хуқуқ нормаси – давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий хулқатвор қоидаси.

Хуқуқ тизимининг барча элементлари (норма, институт, соҳа) хуқуқ нормаси билан чамбарчас боғлиқликда мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, хуқуқ нормаси хуқуқий тизимнинг асосини, бошланғич хужайрасини ташкил этади. Шу сабабли унда, авваламбор, хуқуқ мазмунининг асосий хусусиятлари ифодаланади. Хуқуқ нормалари ижтимоий нормалар сифатида кишиларнинг ўзаро муносабатларида хулқ-атвор нормалари жумласига киради. Бу рухсат бериш, чеклаш, тақиқлаш ёки позитив хуқуқقا хос мажбуриятлар қоидасини ўз ичига олувчи қоидадир. Хуқуқ нормаси – ижтимоий ҳодиса сифатида хуқуқнинг асосий, муҳим қисми, бутун хуқуқий тизимнинг бош тушунчасидир. Хуқуқнинг шаклланиши ва амалга оширилиш жараёни, қонунлар, барча юридик тушунчалар ва тузилишлар, ҳатто назария ҳам ўз замирида бевосита ёки билвосита хуқуқ нормасига эга бўлади.

ХУҚУҚ НОРМАСИНИНГ ТАРКИБИ



Оддий гипотеза - Хуқуқ нормаларининг амал қилиши билан боғлиқ бўлган битта шарт-шароит акс этган гипотеза ҳисобланади.

«Ўзбекистон республикаси пойтахти Тошкент шаҳри» (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 6-модда)

Муракқаб гипотезада - ҳуқуқ нормасининг амал қилиши икки ёки ундан ортиқ ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ эканлиги кўрсатилади. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин” (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 90-модда).

Альтернатив (муқобил) гипотеза ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши санаб ўтилган шарт-шароитлардан бирига боғлиқ эканлигини баён этади. Масалан, “Вояга этган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз отоналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 66-модда).

Оддий диспозиция - хулқ-атвор ёки тартиб қоиданинг битта шартда кўрсатилган бўлади. Масалан, “Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солишдан иборат” (Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 1-модда).

Муракқаб диспозиция - хулқ-атвор ёки тартиб қоиданинг бир-неча шартни ёки мажбуриятни кўрсатган бўлади. Масалан, “Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишидан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ва профилактикасидан иборат” (Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 2-модда).

Муқобил диспозиция - хулқ-атвор ёки юриш-туриш, қоиданинг бир неча субектларёки нормалар томонидан бажариши кўрсатилган бўлади. Масалан “Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунчилик ушибу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир” (Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 3-модда)

Тавсифловчи диспозиция – ҳуқуқ субъектларининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлари ҳамда хатти-харакатларининг тўлиқ баёнини ифода этилади. Масалан, “Безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса” (Жиноят кодексининг 277-модда

Бланкет диспозиция - ҳуқуқ нормасидаги тартиб қоидаларнинг бузулиши ёки амал қилинишини тартибга солиш бошқа турдаги норматив ҳуқуқий хужжат билан тартибга солинади. Масалан, “Техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишининг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс

томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса” (Жиноят кодекси, 257-модда).

Ҳавола этувчи диспозиция - хуқук нормасидаги тартиб қоидаларнинг бузулиши ёки амал қилинишини тартибга солиш ўша норматив ҳужжатнинг бошқа нормаси билан тартибга солинади. Масалан, “Алоҳида ҳолларда, бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ходимлар ушбу модданинг **биринчи, иккинчи** ва **тўртинчи қисмларида** белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда ички ишлар органларидағи хизматга қабул қилиниши мумкин”


Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар икки турга бўлинади:

Қонун ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси партаменти томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ва давлат ҳудудида барча учун ижроси умум мажбурий хусиятга эга бўлган ҳужжатлар тушунилади. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Конституцион қонунлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қарорлари.

Қонун ости ҳужжатлари – Жамият ва давлатнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда, амалаги қонун ҳужжатларини ижросини таъминлаш мақсадида бирор бир идора ёки мансабдор шахслар томонидан чиқариладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади. Масалан; Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ёки фармоиши, Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг Қарор ва фармоиши, Маҳаллий давлат органлари, Вазирлик ва идораларнинг қарор, фармойиш, қарор ва буйруқлари, шунингдек кўрсатмалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат - қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзgartиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

З-ўқув саволи: Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва ижросини ташкил этиш ва таъминлаш тартиби.



Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш режаларида (дастурларида) қўйидагилар кўрсатилади:

- норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг номи;
- ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳолатининг тавсифи;
- ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишини талаб қиласиган муаммоларнинг тавсифи, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларининг таҳлили;
- ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишини талаб қиласиган муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини бартараф этишга қаратилган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш зарурлигининг асоси;
- норматив-хуқуқий хужжатларнинг турлари;
- норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш муддатлари;
- норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳасини тайёрлаш учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлар;
- норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинган тақдирда, кутилаётган натижалар, шу жумладан тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўтказилган ҳолларда унинг натижалари.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлашни режалаштириш тартиби норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган ёки норматив-хуқуқий хужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни амалга оширувчи ташкилот томонидан белгиланади.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш қўйидаги тартибда амалга оширилади.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш учун ишлаб чиқувчи томонидан ишчи гуруҳ (комиссия) ташкил этилиши мумкин.

Ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига ишлаб чиқувчи бўлинмаларининг, тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун жавобгар бўлган вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ёки идораларнинг, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ўз розилиги билан ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига киритилади.

Ишчи гуруҳ (комиссия) аъзолари норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳнинг (комиссиянинг) фаолиятини таъминлаш учун давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ҳамда бошқа маълумотларни олишга, норматив-хуқуқий хужжатнинг лойиҳаси юзасидан илмий ва бошқа

ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳамда тавсияларини, шунингдек эксперталар хулосаларини олишга ҳақлидир.

Норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган, зарур бўлганда, норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни давлат органларига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айrim фуқароларга белгиланган тартибда, ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки уларга шартнома асосида буюртма беришга ҳақлидир.

Норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган, зарур бўлганда, норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг муқобил лойиҳаларини тайёрлашни бир нечта давлат органига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айrim фуқароларга белгиланган тартибда, ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки уларга шартнома асосида буюртма беришга, шунингдек энг яхши норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун танловлар ўтказишга ҳақлидир.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга доир ишларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этиш.

Ишлаб чиқувчи томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Ишлаб чиқувчи норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини порталга уни норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилувчи органга киритишдан олдин жойлаштиради.

Ишлаб чиқувчи норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг порталдаги жамоатчилик муҳокамаси муддатини тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда белгилайди ҳамда бу муддат порталда норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси жойлаштирилган кундан эътиборан ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси иштирокчиларидан тушган фикр-мулоҳазаларни ва (ёки) таклифларни ҳисобга олишни ишлаб чиқувчи қабул қилинган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларга мувофиқ лойиҳани маромига етказиш йўли билан амалга оширади.

Келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифлар рад этилган тақдирда, ишлаб чиқувчи уларни рад этиш сабабини асослаши шарт.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси натижалари, қоида тариқасида, келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларни кўриб чиқиши натижалари кўрсатилган ҳолда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига

(хуқуқий экспертиза учун) ва норматив-хуқуқий хужжат қабул қилиш хуқуқига эга бўлган органга (кўриб чиқиш учун) киритилади.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасининг экспертизадан ўтказиши.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси хуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши шарт.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-хуқуқий хужжат қабул қилиш хуқуқига эга бўлган органнинг қарорига кўра иқтисодий, молиявий, илмий, лингвистик, экологик экспертизадан, шунингдек бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар эксперталар сифатида жалб қилинади. Экспертиза ўтказиш учун олимлар ва мутахассислар, шу жумладан бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин. Эксперталар норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасига баҳо беришда мустақилдир ва экспертиза ўтказиш топширигини берган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ бўлмайди.

Эксперталарнинг норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси бўйича хulosалари тавсия хусусиятига эга бўлиб, улар ишлаб чиқувчи ёки норматив-хуқуқий хужжат қабул қилиш хуқуқига эга бўлган орган томонидан кўриб чиқилиши лозим. Хulosанинг инобатга олинмаган бандлари юзасидан тегишли тушунтиришлар берилган ҳолда маълумотнома тайёрланади.

Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасининг хуқуқий экспертизадан ўтказиши.

Хуқуқий экспертиза жараёнида норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг талабларига мувофиқлиги, шу жумладан норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасида ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг хуқуқий экспертизаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-хуқуқий хужжат қабул қилиш хуқуқига эга бўлган органнинг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан қонунчиликка мувофиқ ўтказилади.

Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан хуқуқий экспертизадан ўтказиши

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг хуқуқий экспертизасини улар манфаатдор ташкилотлар билан келишилганидан ва бошқа турдаги экспертизалар амалга оширилганидан сўнг ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг хуқуқий экспертизасини, шу жумладан уларда коррупция кўринишларини, бошқа хуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитларни юзага келтирадиган, жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш, шунингдек зарур бўлган нормаларни битта норматив-хуқуқий хужжатда акс эттирган ҳамда тегишли муносабатларни тартибга солувчи бошқа нормаларни бекор қилган ҳолда, қонунчиликни кодификация қилиш имконияти мавжудлиги нуқтаи назаридан хуқуқий экспертизасини ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларининг хуқуқий экспертизасини амалга ошириш жараёнида бу лойиҳалар уларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши ва уларда такрорловчи ёки Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларининг нормаларига зид бўлган норматив-хуқуқий хужжатлар мавжудлигини кейинчалик уларни бекор қилиш учун аниқлаш нуқтаи назаридан баҳоланиши шарт.

Хуқуқий экспертиза якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан хулоса тақдим этилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-хуқуқий хужжатларининг хуқуқий экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли худудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларининг хуқуқий экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли худудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг худудий бўлинмалари томонидан норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини хуқуқий экспертизадан ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларининг хуқуқий экспертизаси улар келиб тушган санадан эътиборан ўн кун ичida Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-хуқуқий хужжатларининг хуқуқий экспертизаси ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш улар келиб тушган санадан эътиборан ўттиз кун ичida Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган лойиҳалар ва иккинчи қисмида кўрсатилган норматив-хуқуқий хужжатлар қўшимча ўрганишни талаб қилса, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини кўриб

чиқиши муддати беш қунгача, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини кўриб чиқиши муддати эса ўн беш қунгача узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан:

халқ депутатлари вилоят, туман, (шаҳар) Кенгаши қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси — икки иш куни ичида;

вилоят, туман, (шаҳар) ҳокими қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси — беш иш куни ичида ўтказилади.

Қонунчиликда норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг бошқа муддатлари белгиланиши мумкин.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратувчи коррупцияни келтирувчи омилларни аниқлаш, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси эса улар қабул қилинишининг коррупция ҳолатлари учун имконият яратувчи оқибатларини умумий баҳолаш, норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш мақсадида ўтказилади. Экспертиза натижаларига кўра коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади ва чоралар кўрилади.

Коррупцияга қарши экспертиза:

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан — ишлаб чиқувчилар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

норматив-хуқуқий ҳужжатларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси якунларига кўра тегишли хулоса тузилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради. Истисно тариқасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши тартиб-таомили мураккаблашиборлишини ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юкламишини назарда тутадиган, шунингдек уларнинг жавобгарлигига оид янги чораларни белгилайдиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ойдан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

- ✓ норматив-хукуқий хужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қиласи;
- ✓ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ишларини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради, уларнинг норматив-хукуқий хужжатларни ижро этишга доир ваколатларини белгилайди;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларни ижро этиш учун зиммасига жавобгарлик юклатиладиган вазирликларни, давлат қўмиталарини, идораларни ҳамда мансабдор шахсларни белгилайди;
- ✓ норматив-хукуқий хужжатлар ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

- ✓ норматив-хукуқий хужжатларнинг ижро этилиши масалалари юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга тушунтиришлар беради ҳамда зарур ёрдам кўрсатади;
- ✓ норматив-хукуқий хужжатларнинг давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши масалаларига доир услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқади;
- ✓ норматив-хукуқий хужжатларнинг давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши мониторинги ва таҳлилини ўтказади, ушбу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- ✓ давлат бошқаруви органларининг норматив-хукуқий хужжатларни ижро этиш бўйича фаолиятини мувофиқлаширишни амалга оширади;
- ✓ давлат бошқаруви органларида ва ташкилотларда норматив-хукуқий хужжатларнинг ижроси нуқтаи назаридан ижро интизомига риоя этилишини ўрганади, шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун ахборот-таҳлилий хужжатларни тайёрлайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида:

- ✓ норматив-хукуқий хужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) чоралар кўради;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижро этилишига қаратилган норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини амалга оширади;

- ✓ норматив-хуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, шунингдек норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишига доир ишларни бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлар билан биргаликда ташкил этади;
- ✓ норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш учун ўз ходимларини тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;
- ✓ норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, тегишли тармоқда қонунчиликнинг қўлланилиш амалиётини ўрганади ва, зарур бўлганда, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;
- ✓ норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда:

- ✓ норматив-хуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) чоралар кўради;
- ✓ норматив-хуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, бошқа ташкилотлар билан биргаликда норматив-хуқуқий ҳужжатлар юзасидан зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;
- ✓ тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларни ижро этиш бўйича ишларини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради;
- ✓ норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, қонунчиликнинг қўлланилиш амалиётини ўрганади ва зарур бўлганда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;
- ✓ норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жамоатчилик мониторинги ва назоратини амалга оширадилар.

Мустақил таълим учун топширик:

1. Норматив ҳужжатлар турларини санаб ўтинг.
2. Ўзбекистон Республикасида норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва ижросини амалга ошириш қандай тартибда амалга оширилади?
3. Ўзбекистон Республикасида норматив ҳужжатларга риоя этилмаганлик учун қандай жавобгарликлар мавжуд?

Семинар машғулоти (2 - соат)

Ўқув машғулотнинг саволлари кичик саволларга бўлиниб “Бахс-мунозара”, “кичик гурухларга бўлиш”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Норматив хуқуқий худжжат тушунчаси, моҳияти ва асослари?

(Ушбу саволни ёритишда “Бахс-мунозара” методдан фойдаланилади)

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим оловчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим оловчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим оловчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётгандан таълим оловчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишида қўйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим оловчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қўйида — “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.

Жиноят учун жавобгарлик тушунчаси, моҳияти ва асослари.



“Бахс-мунозара” методининг тузилмаси

“Бахс мунозара саволлари”:

1. Норматив хужжат тушунчаси нима?
2. Қонун хужжатлари нима?
3. Қонуности хужжатлари нима?
4. Норматив хужжатларнинг яратилиши?

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ҳуқуқ нормасининг таркибий қисимлари қандай.
2. Норматив ҳуқуқий хужжатлар тушунчаси ва тузилиши қандай.
3. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Норматив ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги қонуни?

З-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ (МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ 2 – соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи: Қонуннинг мақсади, қўлланилиш соҳаси, принциплари ва мурожаатларга қўйиладиган талаблар.

2-ўқув саволи: Мурожаатларни кўриб чиқиша жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.



1-ўқув саволи. Конуннинг мақсади, қўлланилиш соҳаси, принциплари ва мурожаатларга қўйиладиган талаблар.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Конуннинг мақсади – давлат органлари ва давлат муассасаларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Конуннинг қўлланилиш соҳаси.

Ушбу Конуннинг амал қилиши давлат иштирокидаги ташкилотларга ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Конуннинг амал қилиши:

- қўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонунчилик ва бошқа қонун хужжатлари билан белгиланган мурожаатларга;

- давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мурожаатлар тўғрисидаги қонун хужжатлари – «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Конуни ва бошқа қонун хужжатларидан иборатdir. (*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ҳужжатлари саналади.*)

Конунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза - ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

таклиф - давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят - бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

электрон мурожаат - белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

такрорий мурожаат - айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун хужжатларида белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

аноним мурожаат - жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

мурожаатнинг дубликати - айни бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси;

оммавий қабул - давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

видеоконференцалоқа - узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

давлат иштирокидаги ташкилот - устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.

Мурожаатларни кўриб чиқишининг асосий принциплари:

- қонунийлик;
- мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;
- мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши;
- мурожаатларни кўриб чиқиша бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги;
- мурожаатларни кўриб чиқиша давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффоғлиги.

Мурожаатларнинг шакллари ва турлари

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари хисобланади.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади.

Мурожаатларга қўйиладиган талаблар. Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат органининг, ташкилотнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг

лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади.

Мурожаатлар ва оммавий ахборот воситалари. Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар ушбу Конунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситаларига йўлланган мурожаатлардан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланилиши мумкин.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш. Давлат органларида, ташкилотларда, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини ўтказувчи давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, 8-модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган аввалги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга ушбу Конунда белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахси томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида, ташкилотларда маҳсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланади.

Давлат органларининг раҳбарлари ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик

шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби уларни давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин. Оммавий қабул ҳовлиларга (квартиralарга), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Агар қабул давомида баён этилган масалаларни ҳал этиш давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсининг ваколатларига кирмаса, тегишли мансабдор шахслар мурожаат этувчига мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтириши керак.

Шахсий қабул давомида давлат органи, ташкилот раҳбарининг қарорига кўра ва мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда маҳсус техника воситалари (аудио- ва видеоёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан давлат органларининг, ташкилотларнинг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцалоқа воситасида ҳам берилиши мумкин.

Видеоконференцалоқа воситасида қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2-савол. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш хуқуқларининг кафолатлари.

**Халқ қабулхоналари ва
виртуал қабулхоналар.
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Халқ
қабулхоналари ва Виртуал
қабулхонаси. Ўзбекистон**



Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларнинг самарали қўриб чиқилишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари тизимини қуидагилар ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Халқ қабулхоналари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси келиб тушаётган мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли қўриб чиқилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизими ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифалари:

- аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

- мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқнинг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида қўриб чиқилишини ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органларига, ташкилотларга юборилган мурожаатларнинг қўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

- жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини ўтказиш, шу жумладан видеоконференцалоқа воситасида ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларни қайд этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, уларни қўриб чиқиш устидан мониторинг ва назорат қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш ҳамда юритиш орқали мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг хукуқ ва мажбуриятлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари куйидаги ҳукуқларга эга:

- давлат органлари, ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш, улардан ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан хужжатларни ва ахборотни сўраш ҳамда олиш;
- зарур ҳолларда, мурожаатларни кўриб чиқиши натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини жойларга чиқиб ўрганиш;
- мурожаатларни кўриб чиқиши тартибини такомиллаштириш тўғрисида давлат органларига, ташкилотларга таклифлар киритиш;
- мурожаатларни кўриб чиқиши тартиби ва муддатларини бузган, шунингдек мурожаатларни кўриб чиқиши натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминламаган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари:

- ушбу Қонун талабларига риоя этиши;
- мурожаатлар билан ишлашда мавжуд ахборот тизимидан фойдаланиши;
- ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этиши;
- ўз дастурий-аппарат воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаши;
- навбатда туришнинг электрон бошқаруви тизими самарали ишлашини ва маъмурий жиҳатдан бошқарилишини, мурожаат этувчиларнинг сони уларнинг тоифалари ва тегишли соҳалар бўйича муайян давр учун (кун, ҳафта, ой) лозим даражада ҳисобга олинишини таъминлаши шарт.



**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Халқ қабулхоналари** зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Виртуал қабулхонаси** томонидан мурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимида

маслаҳатлар бериш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси негизида турли тармоқлар ва фаолият соҳаларидан малакали мутахассисларни маслаҳатчилар сифатида жалб этган ҳолда, мурожаатларга доир масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимида маслаҳат бериш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси негизида реал вақт режимида маслаҳат бериш, бир томондан, маслаҳатчилар ўртасида, шунингдек бошқа томондан, ўзини қизиқтирадиган масала юзасидан тезкор тартибда ахборот олиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ахборот айирбошлиш йўли билан таъминланади.

Давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш. Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, шунингдек мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари ўз виртуал қабулхоналарини ташкил этиши мумкин.

Виртуал қабулхоналар қайси давлат органи, ташкилот ёки уларнинг қайси мансабдор шахслари томонидан тузилган бўлса, ўша давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари номидан фаолият кўрсатади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари.

Мурожаат этиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари. Жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига, ташкилотларига ва уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга.



Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда камситишга йўл қўйилмаслиги. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

Мурожаат этилганда ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларга риоя этилишининг кафолатлари. Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиши кафолатлари. Мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, ушбу Қонуннинг 29 ва 30-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мурожаатлар муносабати билан аён бўлиб колган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги кафолатлари. Мурожаатларни кўриб чиқишида жисмоний шахсларнинг шахсий хаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг давлат органлари, ташкилотлар ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак. (*Қонуннинг мазкур талабларини бузган айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасида жавобгарлик белгиланган.*)

Мустақил таълим учун топширик:

1. Ички ишлар органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш тартиби қандай?
2. Мурожаатларни кўриб чиқиши муддатлари қандай ?
3. Мурожаатларни кўриб чиқишини тугатиш қандай амалга оширилади?
4. Мурожаатларни кўриб чиқишида ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари қандай?

СЕМИНАР МАШГУЛОТИ (2 - соат)

“Феедбаск” методи.

“Феедбаск” методи аввалги ўтилган мавзуу билан қўйидаги мавзууни боғлаш



тушунилиб, тингловчиларга ўтилган мавзу юзасидан бир қанча саволлар берилади. Ушбу методнинг афзаликлари:

биринчидан, тингловчиларнинг аввалги мавзу бўйича олган билимлари мустаҳкамланади;

иккинчидан, ўқитувчига синфдаги аввалги мунозара машғулотидаги эркин ва фаол муҳитни тез ва осон тиклашга ёрдам беради.

Тингловчилар қуидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

1. ҳар бир тингловчининг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гурухлардаги бўлингандаги гурухнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. тингловчининг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзуу юзасидан тингловчининг билдирган мантиқий фиклаши.



Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Мурожаатларни бериш ва уларни қабул қилиш тартиби қандай?

2. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини видеоконференцалоқа воситаси орқали қабул қилишни ташкил этиш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқишда ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш масалаларини ўрганиб конспектлаштиринг.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 01 январдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйругини ўрганиб конспектлаштиринг.

4. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартибини бузилганлик учун жавобгарлик

4-МАВЗУ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ. МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ. МЖТКНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛАДИГАН МОДДАЛАРИ ТАВСИФИ (МЖТКНИНГ 248-МОДДАСИ).

(МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ 2 – соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи: «Маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаси ва таркиби.

2-ўқув саволи: Маъмурий жазо чоралари. МЖтКнинг Ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқиладиган моддалари тавсифи (МЖтКнинг 248-моддаси).

1-ўқув саволи: «Маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаси ва таркиби.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 10-моддасига биноан эса, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда (фактик асоси), қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.



Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик ҳусусиятлари ва тартибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 15 май қонунининг 3-моддасига кўра, ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) деб белгиланган.

Ҳуқуқбузарлик ўрнатилган хулқ-атвор қоидаларининг бузилишида ифодаланади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик қуидаги уч хил аломатни ўз ичига олади:

- 1) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- 2) айборлик;
- 3) жавобгарликка тортиш.

Маъмурий қонунчилик томонидан тақиқланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ғайриҳуқуқий маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси МЖтК 10-моддасининг иккинчи қисмига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз ҳусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади. Лекин жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган ҳолатлар мазкур кодексда назарда тутилмаган. Фақатгина, МЖтКнинг 271-моддаси 8-бандида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс ҳусусида шу факт юзасидан жиноий иш қўзғатилган

бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишни бошлаш мумкин эмаслиги, бошланган иш эса тутатилиши лозимлиги белгиланган.

Жиноят ножӯя хатти-ҳаракатдан (маъмурий, интизомий) бир қатор хусусиятлари билан фарқланади. Бу биринчи навбатда, ҳуқуққа хилоф қилмишнинг ижтимоий хавфи ва тури. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига биноан Ушбу кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳди迪 билан жиноят деб топилади. Ушбу кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфни келтириб чиқарадиган қилмиш – ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби тўрт қисмдан иборат:

- ОБЪЕКТ
- ОБЪЕКТИВ ТОМОН
- СУБЪЕКТ
- СУБЪЕКТИВ ТОМОН

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг обьекти – ижтимоий муносабатлар (умумий обьект). Турдош обьекти – давлат ёки жамоат тартиби, мулк, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бошқарувнинг белгиланган тартиби.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг обьектив томони – ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир, жумладан, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ёки маст ҳолда юриш тақиқланади, ана шу ғайриқонуний ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг обьектив томони ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти 16 ёшга тўлган фуқаро (умумий субъект); мансабдор шахслар, хорижий давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (максус субъект); ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органларининг оддий ва бошликлар таркибига мансуб шахслар (алоҳида субъект) бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томонига ҳуқуқбузарнинг айби ва нима учун ҳуқуқбузарлик содир этгани, содир этган ҳаракатига руҳий муносабати, қасдан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилганлиги киради.

Масалан; МЖТКни 183-модда. Майда безорилик

Майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик —

Объекти “Жамоат тартиб, фуқароларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари”

Обектив томони “жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи ҳатти-харакатлар”

Субекти юқоридаги ҳатти харкатларни содир этган, 16 ёшга тўлган ақлирасо жисмоний шахс.

Субектив томони юқорида кўрсатилган “жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи ҳатти-харакатлар”нинг қастдан ёки содир этган.

2-ўқув саволи: Маъмурий жазо чоралари. МЖтКнинг Ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқиладиган моддалари тавсифи (МЖтКнинг 248-моддаси).



Маъмурий жазо – мақсадига кўра маъмурий мажбуровлар чораларининг бир тури ҳисобланади. **Маъмурий жазо** – маъмурий мажбуровнинг бошқа чораларидан фарқли равища ҳукуқбузар томонидан маъмурий қонун хужжатлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинганда, яъни

маъмурий ҳукуқбузарлик содир этилгандагина қўлланиладиган ўзига хос мақсадга эга бўлган жазо санкциялари бўлиб, маъмурий-процессуал тартибда амалга оширилади.

Маъмурий жазо – Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, маъмурий мажбуровнинг бошқа чоралари эса турли меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22-моддасида маъмурий жазонинг мақсади тўлиқ ўз ифодасини топган ва унга кўра маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳукуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳукуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Маъмурий жазо – маъмурий қонунчиликка асосан, ҳукуқбузарлик содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан ваколатли орган мансабдор шахс томонидан қўлланадиган ва ҳукуқбузарни қонунда назарда тутилган муайян ҳукуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни вақтинча чеклашдан иборат мажбуровлар чораси бўлса-да ҳукуқбузарни қийноқча солиш, зўравонликка, шафқатсиз ёки

инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийиққа дучор этиш мақсадини кўзламайди.

Маъмурий жазони қўллаш асослари яна қўйидагиларда намоён бўлади:

- 1) маъмурий хуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломатининг мавжудлиги;
- 2) маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс жавобгарликка тортиш ёшига етган бўлса;
- 3) ғайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли расо бўлса;
- 4) шахс ҳаракатни зарурий мудофаа чегарасидан ёки охирги зарурат чегарасидан чиқиб кетган ҳолда содир этса;
- 5) маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши пайтига келиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетмаган бўлса.

Содир этилган маъмурий хуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи санкцияларда – жазо чораси ва унинг рухсат этилган меъёрлари(ҳажми, миқдори)нинг энг ками ва энг юқориси кўрсатилган бўлади.

Ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий жазони қўлланиш чоғида:

- содир этилган хуқуқбузарлик хусусияти;
- хуқуқбузарнинг шахси;
- унинг айборлик даражаси;
- мулкий аҳволи;
- жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар;
- жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Маъмурий жазо қўллашнинг мазкур умумий қоидаларига барча ваколатли органлар ва мансабдор шахслар риоя қилишлари шарт.

Маъмурий жазо – маъмурий хуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган хуқуқбузарликлар учун эса, хуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасига мувофиқ, маъмурий хуқуқбузарлик содир этганлик учун қўйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- 4) муайян шахсни унга берилган маҳсус хуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш хуқуқидан, ов қилиш хукуқидан) маҳрум этиш;
- 5) маъмурий қамоқقا олиш.

6) Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқариб юбориши.

Жарима – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган айбдор шахслардан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори – энг кам ойлик иш ҳақининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса – ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори – энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ошмаслиги керак. Конунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача ва мансабдор шахсларга – юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори фуқароларга – энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ошмаслиги керак.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш – маъмурий жазонинг тури сифатида фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёлар учунгина татбиқ этилади. Мазкур жазо чораси мулкий хусусиятга эга бўлган маъмурий жазо чораси бўлиб, фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса сифатида фойдаланилган ашёлар эгасига нисбатангина қўлланилиши мумкин. Лекин ҳуқуқбузарга тегишли бўлмаган ашёларни (масалан, ғайриқонуний ов қилиш, балиқ тутиш натижасида қўлга киритилган маҳсулотлар: ёввойи ҳайвонлар, балиқлар) ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш маъмурий жазо чораси ҳисобланмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш – маъмурий жазонинг тури сифатида фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёлар учунгина татбиқ этилади. Мазкур маъмурий жазо чораси МЖТКнинг 27-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш – шу ашёнинг ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбай овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Муайян шахсни унга берилган маҳсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш – ҳуқуқбузарнинг белгиланган фаолият билан шуғулланишни, маҳсус ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини вақтинчалик чеклашдан иборат бўлган маъмурий жазонинг туридир. Конун чиқарувчи

бу жазо чорасини қўллашни фақат транспорт воситаларини бошқариш хуқуқидан ва ов қилиш хуқуқидан маҳрум этиш ҳоллари билангина чеклайди.

Маъмурий қамоқقا олиш – хуқуқбузар шахсга нисбатан унинг шахсий эркинлигини маълум бир муддатга (уч суткадан ўн беш суткагача, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун – ўттиз суткагача) вақтинчалик чеклаш ва жамиятдан ажратиб қўйишдан иборат бўлган қаттиқ маъмурий жазо туридир.

Маъмурий қамоқقا олиш фақат туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан қўлланилиши мумкин.

МЖТКниг Ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқиладиган моддалари тавсифи. 248-модда. Ички ишлар органлари.

Ички ишлар органларига ушбу Кодекснинг 47-моддасининг биринчи қисмида, 47³, 54, 56¹-моддаларида, 110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртингчи ва бешинчи қисмларида, 114, 115-моддаларида, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртингчи қисмларида, 121, 122, 123, 125-моддаларида, 125¹-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128¹, 128²-моддаларида, 128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁴-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁵-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁶-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135¹-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141-моддаларида, 142-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 147-моддасида, 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқсанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун), 156, 161, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188², 192, 204, 205, 221, 223, 223¹, 223³, 224 -моддаларида, 225-моддасининг биринчи — бешинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ички ишлар органлари номидан маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ва маъмурий жазо қўллашга қўйидагилар хақли:

1) ушбу Кодекснинг 56¹-моддасида, 114-моддасида, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртингчи қисмларида, 121, 122, 123-моддаларида, 142-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 156, 183, 192, 204, 205, 221, 223, 223¹, 223³, 224-моддаларида, 225-моддасининг биринчи — бешинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий

хуқуқбузарликлар учун — туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ёки бошлиқ ўринbosарлари, шунингдек транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари;

2) ушбу Кодекснинг 54, 56¹-моддаларида, 113-моддаси биринчи қисмида, 114-моддаси биринчи қисмида, 115-моддасида, 121-моддасининг иккинчи қисмида, 122, 123, 156, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликлар учун — метрополитенни муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки бошлиғи ўринbosарлари;

3) ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликлар учун — темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг бошлиқлари ва бошлиқ ўринbosарлари, 225-моддасининг биринчи — бешинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликлар учун — темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ва бошлиқ ўринbosарлари;

4) ушбу Кодекснинг 47-моддаси биринчи қисмида, 47³, 54, 56¹-моддаларида, 110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114, 122, 123-моддаларида, 127-моддасида (товуш сигналини сабабсиз беришга доир қисмида), 128⁶-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратганлик, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаганлик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун), 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқсанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун), 161-моддасида (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188², 192, 221-моддаларида, 223-моддасининг биринчи қисмида, 223¹, 223³-моддаларида, 224-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликлар учун — ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари;

5) ушбу Кодекснинг 54, 123, 125-моддаларида, 125¹-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128¹, 128²-моддаларида, 128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁴-моддасининг биринчи, иккинчи, ва учинчи қисмларида, 128⁵-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁶-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135¹-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида

ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузишга тааллуқли қоидабузарликлардан ташқари) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг (Бош бошқармасининг) бошлиғи, унинг ўринбосарлари, йўл-патруль хизматини ҳамда маъмурий амалиётни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлимининг бошлиғи, муҳим топшириқлар бўйича бош инспектор, инспектор (маъмурий амалиёт бўйича), маъмурий амалиёт бўлинмасининг (бўлимининг) бошлиғи, маъмурий ҳуқуқбузарликлар материалларини кўриб чиқиши бўйича бош инспектор, катта инспектор (инспектор), йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг (бўлинмасининг) бошлиғи, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг катта инспектори ва йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳининг маъмурий амалиёт бўйича инспектори, улар йўқлигига эса ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

6) ушбу Кодекснинг 54, 123, 125-моддасида, 125¹-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128¹, 128²-моддаларида, 128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁴-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁵-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁶-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 135¹-моддасида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, сафарбар гурухи) командири ёки командирининг ўринбосари;

7) ушбу Кодекс 54, 123-моддаларида, 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддасининг биринчи қисмида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128²-моддасида, 128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁴-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 135¹-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизматининг катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар.

Ушбу модда иккинчи қисмининг 2 - 7-бандларида кўрсатилган ички ишлар органлари ходимлари ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ҳамда маъмурий жазони фақат карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши муносабати билан тегишли худудларда ёки объектларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган тақдирда, қўллашга ҳақлидир.

Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари ушбу Кодекснинг 101-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 248-моддасига биноан
Махсус қисмидаги 55 та модда ва унинг тегишли қисмларида назарда
тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни аниқлайди ва
кўриб чиқиб маъмурий жазо қўллаш тўғрисида карор қабул килишга
хақлидир. Шунингдек булардан ташқари қўйидаги моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида дастлабки ҳужжатларни тўплаб маъмурий баённома расмийлаштириб мазкур ишларни кўриб чиқишига ваколатли органларга МЖтКнинг 280-282-моддаларига биноан маъмурий баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансадбор шахс)га юборадилар:

1. 40-модда Тухмат
2. 41-модда Ҳақорат
3. 45-модда. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш
4. 52-модда. Енгил тан жароҳати етказиш
5. 56-модда. Гиёвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш
6. 62-модда. Топиб олинган мол-мулкни яшириш
7. 104-модда. Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш
8. 105-модда. Таркибида гиёванд моддалар бўлган экинларни кўриқлашни таъминлаш чораларини кўрмаганлик
9. 106-модда. Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик
- 10.111-модда. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш
- 11.113-модда. Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш
- 12.114-модда. Темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш
- 13.115-модда. Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузиш
- 14.116-модда. Учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш
- 15.117-модда. Ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш
- 16.121-модда. Транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш
- 17.122-модда. Транспортда белгиланмаган жойларда чекиш

18.123-модда. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш

19.126-модда. Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш

20.127-модда. Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш

21.128-модда. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги

22.128¹-модда. Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши

23.128²-модда. Транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш

24.128³-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши

25.128⁴-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши

26.128⁵-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг халақит бериши ёки авария ҳолатини юзага келтириши, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига чиқиши

27.128⁶-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши

28.129-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи гурӯҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши

29.130-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши

30.131-модда. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш

31.132-модда. Кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқариши

32.133-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши

33.134-модда. Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши

34.135-модда. Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган хужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши

35.135¹-модда. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларини бузиш

36.136-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастилиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши

37.137-модда. Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш

38.137-модда. Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш

39.139-модда. Носоз транспорт воситаларини йўлга чиқариш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш

40.140-модда. Маст ҳолдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуки бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш

41.141-модда. Транспорт воситаларидан шахсий бойлик ортириш мақсадида фойдаланиш

42.142-модда. Хавфли моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидаларини бузиш

43.144-модда. Транспортда чиптасиз юриш

44.146-модда. Ҳаво, темир йўл, сув ва автомобиль транспортида юкларнинг сақланишини таъминлаш қоидаларини бузиш

45.147-модда. Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш

46.150-модда. Магистрал қувурларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш

47.161-модда. Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларинибодонлаштириш қоидаларини бузиш

48.163-модда. Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш

49.180-модда. Судга ҳурматсизлик қилиш

50.182-модда. Халқ маслаҳатчисининг судга боришига тўсқинлик қилиш

51.183-модда. Майда безорилик

52.184-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш

53.184¹-модда. Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши

54.184²-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишида тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш

55.184³-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адованни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш

56.185-модда. Ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш

57.185¹-модда. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи

58.186-модда. Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиши мақсадида тайёрлаши ёки сотиши

- 59.187-модда. Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш
- 60.188-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-харакатларга жалб қилиш
- 61.188¹-модда. Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш
- 62.188²-модда. Вояга етмаган шахснинг қўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш
- 63.189-модда.Pornографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш
- 64.189¹-модда. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш
- 65.190-модда. Фоҳишалик билан шуғулланиш
- 66.191-модда. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар
- 67.192-модда. Маиший шовқинга қарши кураш талабарини бузиш
- 68.193-модда. Депутатлик фаолиятининг кафолатларини бузиш
- 69.194-модда. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабарини бажармаслик
- 70.195-модда. Милиция ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш
- 71.196-модда. Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик
- 72.199-модда. Махсус хизматларни қасдан алдаб чақирганлик
- 73.200-модда. Ўзбошимчалик
- 74.200¹-модда. Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш
- 75.201-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш
- 76.202-модда. Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказиш учун шароитлар яратиш
- 77.202¹-модда. Гайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш
- 78.203-модда. Байроқлар ва вимпеллардан ғайриқонуний фойдаланиш, плакатлар, эмблемалар ва рамзларни тайёрлаш, тарқатиш ёки тақиб юриш
- 79.203¹-модда. Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш
- 80.204-модда. Фавқулодда ҳолат тартибининг талабарини бузиш
- 81.204¹-модда. Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабарини бажармаслик
- 82.206-модда. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш
- 83.207-модда. Вояга етмаганни қаровга олиш тўғрисидаги ёзма мажбуриятни бажармаслик
- 84.208-модда. Кафилнинг ёзма мажбуриятни бажармаслиги

85.209-модда. Давлат мукофотларига нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар қилиш

86.210-модда. Қамоқда сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида, махсус даволаш-олдини олиш ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларга тақиқланган нарсаларни бериш

87.219¹-модда. Рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш

88.220-модда. Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиш

89.221-модда. Ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш

90.222-модда. Ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дориларни сотищдан бўйин товлаш

91.223-модда. Паспорт тизими қоидаларини бузиш

92.224-модда. Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш

93.225-модда. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш

94.226-модда. Чет элга чиқиши учун хужжатларни расмийлаштириш тартибини бузиш

240-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш

Мустақил таълим учун топширик:

5. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси нима?
6. Маъмурий ҳукуқбузарлик тушунчаси нима?
7. Қандай маъмурий жазо турлари мавжуд?
8. Маъмурий ҳукуқбузарликнинг турларини айтинг?

СЕМИНАР МАШГУЛОТИ (2 - соат)

Дарс машгулотини гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилади.

Гуруҳ тингловчилари тенг миқдорда уч гуруҳга бўлинади.

1-гурух.

Семинарнинг
биринчи саволи

2-гурух.

Семинарнинг
иккинчи саволи

3-гурух.

Семинарнинг
учинчи саволи

**ХАР БИР ГУРУҲГА ПЕДАГОК ТОМОНИДАН СЕМИНАРНИНГ
ХАР БИР САВОЛИДА ЁРИТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН
ЖИХАТЛАР ТЎҒРИСИДА ТАВСИФ БЕРИЛАДИ.**

Мустақил таълим учун топширик:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда нимани тушунасиз?
2. Маъмурий жавобгарлик қандай холатда юзага келади?
3. Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасдан содир этиш деганда нимани тушунасиз?
4. Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этилишини тушунтиришинг?
5. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби қандай?
6. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони нима?
7. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони нима?

5-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЖТКНИНГ 40, 41, 47, 52, 56¹, 61, 61¹ – МОДДАЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК.

(МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ 2 – соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи: Фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларига тажовуз қиласидиган айrim турдаги ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий ҳуқуқий тавсифи.

2-ўқув саволи: Аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг юридик мазмуни.

1-ўқув саволи: Фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларига тажовуз қиласидиган айrim турдаги ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий ҳуқуқий тавсифи.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, ҳар бир инсон эркинлик ҳуқуқига ҳамда ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажо-вузлардан, шахсий ҳаётига аралашишлардан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг ҳуқук ва эркинлик-ларига тажовуз қиласидиган ҳуқуқбузарликлар МЖтКнинг 40–51¹-мод-даларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, буларга: тухмат; ҳақорат қилиш; давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; ҳужжатлар билан танишиб чиқиши асоссиз равишда рад этиш; фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузиш; фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган



маълумотларни ошкор этиш; болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш; никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш; меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймас-лик тўғрисидаги талабларни бузиш; иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги; вақтинча меҳнатга қобилиятысизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш; аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш; меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов; ногиронларни ижти-моий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш кабилар киради.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиласидан ҳуқуқ-бузарликларнинг айрим моддаларини шарҳлаб ўтамиш.

Тухмат (40-м.). Тухмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиши баъзавий хисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Била туриб ёлғон гапириш деб, тегишли маълумотлар ёки фактларни тарқатувчи шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини олдиндан англашига ва йўл қўйишига айтилади. **Уйдирмалар тарқатиши** деганда, олдиндан била туриб гўё рўй бермаган маълумотлар ёки фактларни камида битта шахсга ошкора (ноошкора) оғзаки, ёзма ёки бошқа бир шаклда маълум қилиши тушунилади. Бунда маълум қилиш оғзаки, ёзма ёки бошқа бир шаклда баён этилганлигининг аҳамияти йўқ.

Ушбу ҳуқуқбузарлиknинг таркибий тузилиши ҳақида тўхтала-диган бўлсак. *Объекти* – шахснинг шаъни ва қадр-қиммати. *Объек-тив томони* – ҳаракат (фаол) натижасида содир этилади. *Субъекти* – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс. *Субъектив томони* – қасддан (тўғри) содир этилади.

Ҳақорат қилиш (41-м.).

Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш баъзавий хисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан



қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *Ҳақорат қилиши* деганда фуқароларнинг шаъни ва қадр-қим-матига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлиб, шахснинг маънавий нуфузига атрофдаги фуқаролар кўз ўнгига путур етказиши ва жабрланувчининг ҳурматига зарар етказилиши тушунилади.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг таркибий тузилиши ҳақида тўхтала-диган бўлсак. *Объекти* – шахснинг шаъни ва қадр-қиммати. *Объект-тив томони* – ҳаракат (фаол) натижасида содир этилади. *Субъекти* – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс. *Субъектив томондан* – мазкур ҳуқуқбузарлик тўғридан-тўғри қасдан содир этилади, яъни шахс ўзининг хатти-ҳаракатлари ғайрихуқуқий эканлигини англаш етади ва уларни содир қилишни истайди.



Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (47-м.). Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармас-лик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши баъзавий хисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. МЖТКнинг мазкур боби «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг (2008 йил 16 апрель) қонунига мувофиқ, «47¹-модда. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик» ҳамда «47²-модда. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришида қонун ҳужжатлари талабларини бузши» номли моддалар билан тўлдирилди.

2-ўқув саволи: Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг юридик мазмuni.



Енгил тан жароҳати етказиш (52-м.). Эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш баъзавий хисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Қасдан енгил тан

жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддатли ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса, баъзавий хисоблаш миқдорининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қасдан енгил тан жароҳати етказиш – соғлиқнинг қисқа муддат (6 кундан 21 кунгача) ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган ҳукуқбузарликдир.

Мазкур ҳукуқбузарлик обьекти фуқароларнинг соғлиғидир.

Ҳукуқбузарлик таркибининг *объектив томони* енгил тан жароҳати етказиш ҳаракатини назарда тутади.

Ҳукуқбузарликнинг субъектив томони ҳам эҳтиётсизлик орқасида, ҳам қасдан енгил тан жароҳати етказилганлигидир.

Ҳукуқбузарликнинг субъекти ҳукуқбузарлик содир этилган пайтда 16 ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш (56-м.). Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўtkазиш мақсадини кўзламай, оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни мусодара қилиб, баъзавий хисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади. Ушбу моддаларнинг оз миқдорлигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланган 878-сонли қарордаги рўйхатга асосан аниқланади.



Оз миқдорда талон-торож қилиш (61-м.). Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда (баъзавий хисоблай миқдорининг 30 бараваригача) талон-торож қилиш баъзавий хисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида

такрор содир этилган бўлса, баъзавий хисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мулкни оз миқдорда талон-торож қилиш - қасдан қилинадиган, ҳақини тўламасдан содир этиладиган ғайриқонуний хатти-ҳаракат бўлиб, бу мулкни ғаразли мақсадда ўзининг мулки қилиб олиш ёки бошқа шахснинг мулки қилиб бериш учун амалга оширилади.

Хуқуқбузарликнинг обьекти – ўзганинг оз миқдордаги мулики ва мулкга бўлган хуқуқлари, ўзга деганда корхона, муассаса ва ташкилотларнини назарда тутиш лозим.

Объектив томони - ўзганинг мулкига нисбатан қаратилган ғайрихуқуқий ҳаракат. (ўғирлаш, растрата қилиш, фирибгарлик қилиш, ўзлаштириш)

Субъекти – ақлирасо, жавобгарлик ёшига етган жисмоний шахс.

Субъектив томони - тўғридан-тўғри ғаразли ният ва мақсаднинг мавжудлигини назарда тутади.



Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат таш-килотнинг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (61¹-м.). Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотнинг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш баъзавий хисоблаш миқдорининг йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Объекти – нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотнинг хизматчисига пора эвазига бериладиган моддий қимматликлар ҳисобланади;

Объектив томони – нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилот хизматчисининг ёки хизматчини ўзининг манфаати йўлида пора бериш эвазига оғдириган шахснинг хуқуққа хилоф ҳаракати;

Субъекти – ушбу хуқуқбузарликни содир этган, 16 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин;

Субъектив томони – қасдан содир этилган маъмурий хуқуқбузарликдир.


Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Баданга енгил шикаст етказиш маъурий хуқуқбузарлигининг тавсифи.
2. Санитария қонун ҳужжатларини бузиш маъурий хуқуқбузарлигининг тавсифи
3. Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки

СЕМИНАР МАШГУЛОТИ (2 - соат)

Ушбу ўкув машғулоти “**Тезкор хотира**” ва “**Кичик гурұхларга бўлиши**” интерфаол методларидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Тезкор хотира” методидан машғулотнинг дастлабки қисмida фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тингловчилардан мавзуга оид асосий тушунча ёки қоидани 3 дақиқада ёд олиш талаб қилинади. Белгиланган вақт ўтгач тушунчани тўлиқ, сўзма-сўз ёддан айтиб берган уч тингловчига балл берилади. Аммо қолган тингловчилардан тушунчани ёддан айтиб бераётган тингловчининг хатоларини топиш талаб қилинади.



Мустақил таълим учун топширик:

1. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган айrim турдаги ҳуқуқбузарликларнинг маъмурӣ ҳуқуқий тавсифи қандай.
2. Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш маъмурӣ ҳуқуқбузарлигининг тавсифи
3. Оз миқдорда талон-торож қилиш маъмурӣ ҳуқуқбузарлигини тавсифлаб беринг.
4. Аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги маъмурӣ ҳуқуқбузарликларнинг юридик мазмуни.

**6-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЖТКНИНГ 183, 187, 188³, 190, 194 ВА 195, 223 – МОДДАЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК.
(МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ 2 – соат)**

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи: Майда безорилик ва диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш ҳуқуқбузарликларнинг юридик тавсифи.

2-ўқув саволи: Жамоат татибига таҳдид солувчи бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларнинг юридик тавсифи.



1-ўқув саволи: Майда безорилик ва диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш ҳуқуқбузарликларнинг юридик тавсифи.

Жамоат тартиби маънавий, ҳуқуқий нормалар ҳамда ахлоқ, одоб, урф-одат қоидалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимиdir. Жамоат тартиби давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан муҳофаза этилади.

Майда безорилик - жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриштуриш қоидаларини қасдан менсимасликдир.

Ҳуқуқбузарлининг обьекти – жамоат тартиби, ҳуқуқий нормалар ҳамда ахлоқ, одоб, урф-одат қоидалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар.

Объектив томонини - фуқаролар осойишталиги ва жамоат тартибини бузувчи хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарликнинг тавсифлайди. Булар: жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш; фуқароларга ҳақоратомуз тегажаклик қилиш, яъни бошқа шахснинг обрў-эътибори, иззат-нафси шаънини ҳақоратловчи ҳамда уларнинг оромини бузувчи шилқимлик хатти-ҳаракати бўлиши мумкин.

Субъкти -16 ёшга тўлган шахс.

Майда безорилик *субъектив томондан* қасддан ва қўпинча ошкора амалга оширилиши билан тавсифланади. Айбдор қонунга хилоф хатти-ҳаракат қилаётганини тушунади ва шунинг натижаси ёмон оқибатга олиб келишини билади, жамоат тартиби ва фуқароларнинг осойишталиги бузилишига йўл қўяди. Майда безорилик айрим ҳолларда эгри ният билан амалга оширилади.

Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш - диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш.



Хуқуқбузарлининг обьекти – жамоат тартиби, ҳуқуқий нормалар ҳамда ахлоқ, одоб, урф-одат қоидалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар.

Объектив томонини - фуқаролар осойишталиги ва диний эркинликни бузувчи хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарликнинг тавсифлайди. Булар: диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш материалларни ва уларни тайёрлашда ифодаланади.

Субъекти -16 ёшга тўлган шахс.

Субъектив томондан - айбдор қонунга хилоф хатти-ҳаракат қилаётганини тушунади ва шунинг натижаси ёмон оқибатга олиб келишини билади, жамоат тартиби ва фуқароларнинг осойишталиги бузилишига йўл қўяди.



Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш (187-м.). Иш жойларида, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш, (тўйлар, юбилейлар, тантана ва маросимлар ўтказиладиган жойлар, алкоголь маҳсулотини қуйиб реализация қилишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш

объектлари бундан мустасно) баъзавий хисоблаш микдорининг иккidan бир қисми микдорида жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлла-нилганидан кейин бир йил

давомида такрор содир этилган бўлса, баъзавий хисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлади.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-харакатларга жалб қилиш (188-м.). Вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идроқига, иродасига таъсир қиласиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш баъзавий хисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фоҳишалик билан шуғулланиш (190-м.). фоҳишалик билан шуғулланиш баъзавий хисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, баъзавий хисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.



Ички ишлар органлари қонуний талабларини бажармаслик маъмурий ҳуқуқбузарлиги. Ички ишлар органи ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, ички ишлар органига бориш ёки кўрсатилган муддатда у ерда бўлишдан иборат қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираёт-ган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик баъзавий хисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, баъзавий хисоблаш миқдорининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлади.

Бошқарув тартиби соҳасида ижтимоий муносабатлар ушбу ҳуқуқбузарликнинг обьекти ҳисобланади. Давлат ҳокимияти, ички ишлар органи ходими ҳамда жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширувчи

шахсларнинг обўси ички ишлар органлари ходимининг қонуний талаби бажариласлигининг бевосита объекти ҳисобланади.

16 ёшга етган шахс қўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлиши мумкин. Субъектив томони — ҳуқуқбузарликнинг қасдан содир этилганлиги.

Агар ички ишлар органлари ходими ёки маҳалла посбони, ҳарбий хизматчининг талаби қонуний, асосланган ва жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариш чоғида берилган ёки кўрсатилган бўлса, айбор 194-модда бўйича жавобгарликка тортилади. Шунинг учун, агар 194-моддада кўрсатилган ҳаракат ички ишлар органлари ходими, маҳалла посбони ёки ҳарбий хизматчи жамоат тартибини сақлаш бўйича ўз вазифасини ўтаётган пайтда эмас, балки бошқа қонуний фаолият кўрсатаётганда содир бўлса, унда ушбу модда қўлланилмайди. Ички ишлар органлари ходими ёки маҳалла посбони, ҳарбий хизматчининг жамоат тартибини сақлашда ўз вазифасини бажараётганини белгиланган тартибда кийингани, тегишли кўкрак нишони борлиги ёки хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шохидлик беради.

Паспортдан ғайриқонуний фойдаланиш (223¹-м.) Фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган ўз паспортларидан, шунингдек, бошқа фуқароларга тегишли бўлган паспортлардан ғараз-ли мақсадларда фойдаланиши баъзавий хисоблаш миқдорининг ўн баравари миқ-дорида жарима солишга сабаб бўлади.



Фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш олиш (223³-м.). Фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш мансабдор шахсларга баъзавий хисоблаш миқдорининг

ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Фуқаро ўз паспортини авайлаб асрashi шарт. Паспорт йўқотилгани ҳақида фуқаро ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига дарҳол хабар қилишга мажбурдир. Улар эса фуқаронинг илтимосига биноан, унга белгиланган намунадаги маълумотнома беради.

Мустақил таълим учун топширик:

1. Майда безорилик маъурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи қандай?
2. Фоҳишалик билан шуғулланиш маъурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи қандай?
3. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик натижасида қандай маъмурий жавобгарлик мавжуд?
4. Паспорт тизими қоидаларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи.

СЕМИНАР МАШГУЛОТИ (2 - соат)

Ушбу ўқув машғулоти “**CASE STUDY**” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«CASE STUDY» (кейс стади) муайян вазиятлар орқали ўрганиш – тингловчиларни ўқитувчи белгилаб берган реал вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш таклифларини ишлаб чиқишга йўналтирилган метод. Муайян вазиятлар таҳлил индивидуал ёки кичик групкаларда амалга оширилиши мумкин.



Кейс тингловчиларга мавзу доирасида муаммони аниқлашга, уни ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳал этиш йўлларини эркин излаш, таҳлил қилиш ва ҳуқуқий баҳо бериш кўникмаларини беради. Кейсни таҳлил қилиш жараёнида тингловчилар бир-бирлари билан мулоқот қилишни коммуникацион ҳолатларини шакллантиради. Кейс стади тингловчиларнинг назарий билимларини амалиётда қўллаш, тадбиқ этишга асосланади.

Гурӯҳ тингловчилари уч ёки тўрт гурӯҳга тенг тақсимланади ва ҳар бир гурӯҳга алоҳида муаммоли вазият берилади.

1-муаммоли вазият. М.Улуғбек тумани Сайром кўчаси 7-хонадонда яшовчи фуқаро Т.Т.Умидов ишга кириш мақсадида туманнинг “Бўш иш ўринлар ярмаркаси”га борди. У ерда туманда жойлашган Дон маҳсулотлар комбинатидан бўш ўрин топиб шу корхонага кириш учун ариза ва ишга киришга керакли бўлган хужжатларни расмийлаштириб шу корхона раҳбариятига топширди. Лекин фуқаро Т.Т.Умидовнинг ишга кириш учун ёзган аризаси ва хужжатлари ҳеч қандай сабабларсиз кўриб чиқилмади ва ишга қабул қилинмади.

2-муаммоли вазият. 201__й «__» ____ куни Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани Қорасу 4 даҳасида жойлашган Автобуслар тўхташ шоҳ бекатида 1985 й.т. фуқаро А.А.Олтиев “Палмал” номли сигарета тамаки маҳсулотини чекиши белгиланмаган жойида истеъмол қилаётган вақтида профилактика инспектори томонидан аниқланди.

3-муаммоли вазият. Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани, Қора сув-4, 15-үй, 1-хонада яшовчи фуқаро А.Т.Абдуллаев уйидан 3000 АҚШ доллор пулини қўшниси фуқаро С.С.Рустамбаев ўғирлаганини профилактика инспекторига айтди. Ушбу ҳолат бўйича профилактика инспектори фуқаро С.С.Рустамбаев билан сухбат олиб бориш учун ИИО ТПга олиб келиб тушунтириш хати олаётган пайтда фуқаро А.Т.Абдуллаев пулимни топдим уйимдан, кўйган жойим эсимдан чиқган экан деб профилактика инспекторига айтади.

4-муаммоли вазият. Қибрай туманининг Тузел маҳалласида яшовчи фуқаро А.Б.Косимов қўшниси фуқаро А.С.Ахроров билан сұхбатлашиб ўтирганда, улар ўртасида низо чиқди, фуқаро А.Б.Косимов жамоат жойида фуқаро А.С.Ахроровни шаъни қадр-қимматини камситувчи ҳар хил уятли сўзлар билан сўкиниб кетди. Шу худудда хизмат олиб бораётган ППХ ходимлари фуқаролар А.Б.Косимов ва А.С.Ахроровларни ИИО ТПга олиб келди.

Гуруҳларга юқоридаги муаммоли вазиятлар юзасидан қўйидаги вазифалар берилади:

1. ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш;
2. аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг таркибини аниқлаш.

Тингловчилар қўйидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

1. ҳар бир тингловчининг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гуруҳлардаги бўлингандаги гуруҳнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. тингловчининг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан курсантнинг билдириган мантикий фиклаши.



Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Майда безорилик деганда нимани тушунасиз?
2. Майда ҳуқуқбузарлик учун қандай маъмурий жазо қўлланилади?
3. Ҳақорат ҳуқуқбузарлиги учун қўлланиладиган маъмурий жавобгарлик?

**7-МАВЗУ: ЖИНОЯТ
ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ,
ТАРКИБИ ВА ТУРЛАРИ.
(МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ
2 – соат)**

Машғулот режаси:
1-ўқув саволи: Жиноятқонуни, тушунчаси ва белгилари.
2-ўқув саволи: Жиноят таркиби ва жиноятларни таснифлаш.



1-ўқув саволи: Жиноят тушунчаси ва белгилари.

Мустақил мамлакатимизнинг Жиноят кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги ўн олтинчи

сессиясида қабул қилиниб, 1995 йилнинг 1 апрелидан қонуний кучга киритилди.

«Жиноят» тушунчаси жиноят хуқуқининг асосий тушунчаларидан биридир. У одамларнинг қайси қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) хуқуққа хилоф ва нега улар жазо таҳди迪 орқали жиноят қонуни билан тақиқланган, деган саволларга жавоб беради.

Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳди迪 билан жиноят деб топилади. Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга заар етказилган ёки шундай заар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасидаги таърифдан кўриниб турибди, жиноят, энг аввало, ижтимоий хавфли қилмишdir. Қилмиш эса кишиларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсиз шаклдаги хулки (хатти-ҳаракати)dir. Жиноий қилмиш инсонга хос хатти-ҳаракатларнинг бир кўриниши сифатида, аввало, уларнинг психологик мазмунининг барча аломатларига эга бўлмоғи лозим.

Жиноят кодексининг 14-моддасига кўра, жиноят таърифининг асосий белгилари:

- 1) ижтимоий хавфлилик;
- 2) хуқуққа хилофлик;
- 3) айблилик;
- 4) жазога лойиқлик ҳисобланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган ва кафолатланган муҳим ижтимоий қадриятларга тажовуз қилиш билан аниқланади.

Жиноят кодексининг 14-моддаси 2-қисмига мувофиқ, қонун билан қўриқланадиган объектларга заар етказадиган ёки шундай заар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Жиноят сифат ва миқдор кўрсаткичларига эга. Жиноятнинг сифатга кўра ўзига хослиги ижтимоий хавфнинг табиатида намоён бўлади. Жиноятнинг миқдорий тавсифи ижтимоий хавф даражасида ифодаланади.

Ижтимоий хавфнинг табиати ижтимоий муносабатлар мазмуни, уларнинг қадриятлар тизимидағи ўрни, объектга етказган заарининг мазмуни, айбнинг шакл билан аниқланадиган муайян тур ёки кўринишдаги жиноятнинг ижтимоий хоссасидир.

Ижтимоий хавфлилик даражаси бир хил хусусиятдаги ижтимоий хавфли қилмишнинг қиёсий хавфлилиги ифодасидир.

Ижтимоий хавфлилик даражаси заарнинг катталиги, қасд ва эҳтиётсизлик турига, мотив ва мақсадлар мазмунига, жиноятнинг содир этилиш жойи, вақти, усули, вазияти, қуроллари ва бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Хуқуққа хилофлик жиноятнинг ижтимоий объектив аломатлари ижтимоий хавфлилик ва айборликдан фарқли ўлароқ, жиноятни баҳолаш

норматив белгиси бўлган жиноят қонунидаги ижтимоий хавфнинг юридик ифодасидир.

Айб – бу шахснинг ўзи содир этадиган қилмишига қасд ёки эҳтиётсизлик тарзида ифодаланган ижтимоий ахлоқ ва қонун билан қораланадиган руҳий муносабатлардир.

Жиноят – жазога лойиқ қилмиш. Шунга кўра, қилмишнинг жиноят сифатидаги энг муҳим белгиси унинг жазога лойиқлигидир. Жиноят қонуни жиноий жазо қўллаш таҳдида билан у ёки бу ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат содир этишни тақиқлайди. Фақатгина жазога тортиладиган бундай ижтимоий қилмишлар жиноят ҳисобланади. Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги моддаларнинг диспозицияларида нафақат у ёки бу жиноят аломатлари кўрсатилган, балки уларни содир этганлик учун санкциялар – жазонинг ҳажми ва аниқ кўринишлари ҳам белгиланган. Бундай ҳолларда жазонинг ўлчови ва хусусияти муайян жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос келади. Бироқ, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида белгиланган санкциялардаги жазолар ҳар доим ва ҳамма ҳолатларда ҳам қўлланилади дегани эмас. Жиноят кодекси жазодан озод қиладиган ҳолатларни ҳам назарда тутади. Кўпинча, бу ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга тааллуқлидир.

Жиноятнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлари. Айрим ҳолларда маъмурий, фуқаролик, солиқ, божхона ёки ҳуқуқнинг бошқа тармоқларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар сиртдан қаралганда жиноятни эслатади. Шунга қарамасдан, жиноят ҳуқуқбузарликнинг бошқа кўринишларидан тубдан фарқ қиласи. Жиноят ва жиноий бўлмаган ҳуқуқбузарликни фарқлаш уч асосий белгисига кўра амалга оширилади:

- 1) обьекти;
- 2) ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти;
- 3) ғайриҳуқуқийлик кўриниши. Жиноятларнинг умумий обьекти маъмурий, интизомий ва фуқаролик ҳуқуқбузарликларининг обьектидан кенгроқидир. Жиноятнинг умумий обьектига шундай ижтимоий манфаатлар кирадики, уларга тажовуз қилиш фақат жиноят қонуни билан тартибга солинади (давлат асослари, шахснинг ҳаёти ва соғлиги). Барча ижроия-бошқарув фаолиятига оид манфаатлар, мулкий муносабатлар ва давлат интизоми, шунингдек, бошқа ижтимоий муносабатлар ҳам умумий обьектга киради.

2-ўқув саволи: Жиноят таркиби ва жиноятларни таснифлаш.

ЖК 15-моддаси ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига асосланган моддий белгига кўра жиноятларни турларга ажратади.

Жиноятларни таснифлаш айбдор томонидан содир қилинган қилмишни Махсус қисм моддаларидаги юридик ва фактик аломатлар билан солиширган ҳолда, ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан жиноятларни характерлаш имкониятини беради.

ЖК 15-моддаси кўрсатилган жиноятларни аниқ таснифлашга, яъни ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра уларни тўрт турга ажратишга ёрдам беради.

Яна бир бор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти унинг сифат белгисини ифодалайди. Уни аниқлашнинг асоси сифатида тажовуз обектининг аҳамияти, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш натижасида юзага келадиган оқибатлар (моддий, жисмоний, маънавий ва бошқалар) хизмат қиласди.

Масалан, бир турдаги жиноят обектига тажовуз қилувчи жиноий қилмишнинг хусусияти ҳам бир хилдир (масалан, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига ёки давлат хавфсизлиги ва конститутсиявий тузумга қарши жиноятлар).

Ижтимоий хавфлилик даражаси — бир хусусиятдаги жиноятлар ижтимоий хавфлилигининг миқдор кўрсаткичидир. Уни аниқлашда етказилган зарар миқдори, жиноят содир этиш усули, айб шакли, мотив ва мақсад ҳамда бошқа ҳолатлар ҳисобга олиниши мумкин.

Ушбу икки аспектнинг битта жиноят-хуқуқий мезонга бирлашиши ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларни таснифлашга ёрдам беради. Булар: ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар (ЖК 15-моддаси 1-қисми).

Ижтимоий хавфлиликнинг даражаси ва хусусияти фақатгина жиноятларни таснифлаш асоси бўлибгина қолмасдан, балки улар қилмишни жиноят сифатида баҳоловчи белги ҳам ҳисобланади, шунингдек, улар судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олиниши керак.

Жазога сазоворликни жиноятнинг мустақил белгиси сифатида қўйидаги иккита жиҳат билан характерлашимиз мумкин: 1) ижтимоий хавфли қилмиш жазо қўллаш таҳди迪 билан қонун чиқарувчи томонидан тақиқланади; 2) ушбу тақиқни бузган шахс қоидага кўра жазога тортилади.

Таснифлаш содир этилган қилмишнинг у ёки бу белгилари, хусусиятларига кўра гурухларга ажратиш демакдир. Жиноятлар турли асосларда таснифланади. Масалан: тажовуз обектига; ижтимоий хавфлилик даражасига; қилмишнинг ҳолатига (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик); айборлик хусусиятига (қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида); криминологик ва криминалистик хусусиятларига кўра ва бошқалар. Жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифланиши, айниқса, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, жазони тайинлаш масалаларини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-хуқукий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик принципларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

Жиноят кодексининг 15-моддасида жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: 1) **ижтимоий хавфи катта бўлмаган;** 2) **унча оғир бўлмаган;** 3) **оғир;** 4) **ўта оғир** жиноятларга бўлинади, деб қайд қилинган.

Жиноят таркиби бу - жиноят қонунчилигига аниқ бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва

субъектив белгилар йигиндисидир.

Жиноят таркибининг тузилиши.

Жиноят таркиби тузилиши буйича тўрт элементдан иборат:

1. Жиноятнинг объекти.
2. Жиноятнинг объектив томони.
3. Жиноятнинг субъекти.
4. Жиноятнинг субъектив томони.

Жиноят таркибининг турлари.

Жиноят таркибини ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тўрт турга ажратиш мумкин:

1. Асосий таркибли жиноят.
2. Енгиллаштирувчи таркибли жиноят.
3. Оғирлаштирувчи таркибли жиноят.
4. Алоҳида оғирлаштирувчи таркибли жиноятларга ажратилади.

Асосий таркибли жиноят деб - аниқ турдаги ҳар бир жиноят учун зарур ва енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи белгилардан мустасно бўлган белгилар йигиндисидан ташкил топади. Бу таркиб факат шу жиноят турига мансуб муҳим ва ўзига хос белгилардан иборат бўлади. Масалан: 169- модданинг 1- қисми.

Енгиллаштирувчи (имтиёзли) таркибли жиноят деб - асосий таркибга кўшилиб, ушбу турдаги жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи ҳолатлардан иборат таркибdir.

Оғирлаштирувчи таркибли жиноят деб - асосий таркиб белгилари билан бир қаторда, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширадиган ҳолатлар мавжуд бўлади. Бундай ҳолатлар бир нечта, шу билан бирга, улар жиноят таркиби элементларининг барчасига ёки ҳаммасига тааллуқли бўлиши мумкин.

Алоҳида оғирлаштирувчи таркибли жиноят деб - асосий таркибнинг ўзида оғирлаштирувчи ҳолатларни акс эттиради. Бунда ижтимоий хавфлилик даражаси оғирлаштирувчи таркибдан ҳам юқори бўлади.

Жиноят таркиби белгилари қонун чиқарувчи қабул қилган баён қилиш услубига қараб оддий ва мураккабга ажратилиши мумкин.

Оддий таркибли жиноятлар - қонунда таърифланганда ҳар бир таркиб белгиси биттадан кўрсатилади: битта объект, битта ҳаракат, битта оқибат, битта айб шакли.

Мураккаб таркибли жиноятлар - шундай таркибга эгаки, унда икки ёки ундан кўп объект, икки ёки ундан кўп қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), бир неча муқобил белгилар, битта таркибга мансуб бир қатор оддий таркиблар ёки айбнинг икки шакли мавжуд бўлади.

Ушбу тушунчага асосланиб маҳсус адабиётларда мураккаб таркибли жиноятлар куйидаги турларга ажратилади :

- кўп объектили жиноятлар,
- бир неча қилмишдан ёки бир неча оқибатдан иборат жиноят таркиблари,
- муқобил таркиблар,
- таркибли таркиблар,
- икки айб шаклидан иборат таркиб.

Кўп объектили таркиб - икки ёки ундан кўп объекtlарга тажовуз қилувчи қилмишдан иборат таркиблари киради.

Бир неча қилмишдан иборат жиноят таркиби - икки ёки ундан ортиқ қилмишлар йифиндиси, ягона жиноят таркибини вужудга келтирадиган таркиблар киради.

Муқобил таркиб - бир неча қилмиш ёки бир неча жиноий оқибатлардан иборат бўлиб, жиноят таркиби мавжуд деб ҳисоблаш учун шулардан камида биттасининг борлиги кифоя қиласи.

Икки айб шакли мавжуд бўлган жиноят таркиби - бу шундай таркибки, уларда айбдор ўз қилмишига (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ва унинг натижасида келиб чиқсан оқибатга турли руҳий муносабатда бўлади.

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Жиноят қонуни нима ва унинг тузилиши қандай?
2. Жиноят тушунчаси ва ва ижтимоий хавфли қилмиш тушунчаларига таъриф беринг?
3. Жиноятларни таснифлаш мезонлари қандай?
4. Жиноят таркиби нималардан иборат?
5. Жиноятнинг обьекти нимани тушунасиз?
6. Жиноятнинг субъекти нимани тушунасиз?
7. Жиноятнинг обьектив томони нимани тушунасиз?
8. Жиноятнинг субъектив томони нимани тушунасиз?

СЕМИНАР МАШГУЛОТИ (2 - соат)


Ушбу ўқув машғулоти “**Дебат**” методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Дебат» (французча «дебаттере» сўзидан олинган бўлиб, «дебац» – «баҳслашмоқ») технологияси йиғилиш, мажлис ёки машғулотларда бирор-бир мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қиласи.


Ўқув машғулотларида дебат қуидаги тартибда уюштирилади:


Ўрганилаётган мавзу юзасидан баҳс юритилиши
зарур бўлган муаммо танланади

 Баҳслашиш учун икки нафар тингловчи, гурӯҳ ёки жуфтликнинг эътиборига танланган муаммо ҳавола этилади

 Муаммо юзасидан алоҳида тингловчи, гурӯҳ ёки жуфтлик томонидан билдириладиган фикрлар таҳлил қилинади

 Экспертларнинг фикрлари тингланади

 Дебатда билдирилган фикрлар юзасидан хулоса чиқарилади

 Дебат якунланади

Ўқув машғулотнинг муаммоли саволлари:

1-муаммо. Дубайда содир этилиб, жиной оқибати эса, Ўзбекистон худудида юз берган бўлса Ўзбекистон худудида содир этилган жиноят деб топиладими?

2-муаммо. Депутат ва сенат аъзолари томонидан жиноят содир этилган тақдирда улар бошқа жисмоний шахслардан ҳар хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонунда уларга нисбатан енгиллаштирувчи ҳолатлар белгиланганми?

3-муаммо. Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш қучига эгами?.

Тингловчилар қуидагиларни инобатта олган ҳолда баҳоланади:

1. ҳар бир тингловчининг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гурухлардаги бўлингандаги гурухнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. тингловчининг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан тингловчининг билдирган мантиқий фиклаши.



Мустақил таълим учун топширик:

9. Жиноят қонунчилигининг қандай принциплари мавжуд?
10. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши деганда нимани тушунасиз?
11. Жиноят қонунининг макон бўйича амал қилиши қандай аниқланади?
12. Жиноятлар қандай мезонлар билан таснифланади?
13. Жиноят учун жавобгарликнинг норматив ва фактик асосларини конспеклаштириинг.
14. Жиноят таркибининг элементлари ва уларгинг белгиларини конспеклаштириинг.
15. Жиноят таркибининг турларини конспеклаштириинг.

8-МАВЗУ: ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ АСОСЛАРИ ҲАМДА ЖАЗО ТУРЛАРИ.. (МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ 2 – соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи: Жиноят учун жавобгарлик тушунчаси. Жиноят учун жавобгарликнинг вужудга келиши, амалга оширилиши ва тутатилиши.

2-ўқув саволи: Жиноий жазо турлари.

1-савол. Жиноят учун жавобгарлик тушунчаси. Жиноят учун жавобгарликнинг вужудга келиши, амалга оширилиши ва тутатилиши.

«Жиноят учун жавобгарлик» тушунчаси - жиноят содир этишда айборд бўлган шахсга нисбатан суд томонидан хукм қилиш, жазо қўллашда ёки бошқа хуқукий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг хуқукий оқибатидир (ЎзРЖКнинг 16-м).

Мазкур тушунчада жиноий жавобгарликни ташкил этган бир қатор муҳим белгилар ўз аксини топган.

Жиноий жавобгарликнинг белгилари.

- 1) ўзининг юридик мазмунига кўра, жиноятнинг хуқуқий оқибатидир;
- 2) ижтимоий хавфли ва айбли қилмиш оқибатида юзага келади;
- 3) ҳукм қилиш шаклидаги давлат мажбурловида ифодаланиб, жиноий жазони қўллаш ёки қўлламаслик ёхуд жиноят хуқуқига оид таъсирнинг жиноий жазо бўлмаган бошқа таъсир чораларида ўз аксини топади;
- 4) жиноят хуқуқига оид муносабатлар вужудга келади, амалга оширилади ва якунланади;
- 5) фақат суд томонидан тайинланади.

«Жиноий жавобгарлик»нинг асослари. ЖК 16-моддасининг 2-қисмида жиноий жавобгарликнинг умумий асослари белгиланган бўлиб, унда *фактик* ва *норматив* асослар ўз аксини топган.

Фактик асос. Жиноий жавобгарликнинг *фактик асоси* шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Айнан шу сабабдан юридик далил сифатида жиноят хуқуқига оид муносабат юзага келиб, унинг таркибий элементи жиноий жавобгарлик ҳисобланади.

Норматив асос. Бинобарин, жиноий жавобгарликнинг *норматив асоси* Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркиби тушунилади, яъни ЖКнинг 16-моддаси 2-қисмига мувофиқ, жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бундан кўриниб турибдики, жиноят қонунчилигида кўрсатилган жиноят таркиби жиноий жавобгарликка тортишнинг норматив асоси ҳисобланади. Ижтимоий хавфли қилмиш фақат жиноят қонунда кўрсатилган жиноят таркибининг белгилари мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликнинг жиноят хуқуқига оид муносабатлар доирасида юзага келиши, амалга оширилиши ва тўхтатилиши унинг моҳияти фақат мазкур хуқуқий муносабатлар орқали очилишини шарт қилиб қўяди.

Жиноят учун жавобгарликнинг вужудга келиши. Жиноий жавобгарлик суднинг айблов ҳукми чиқкан пайтдан бошлаб вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигига асосан жиноий жавобгарлик фақатгина жиноий-хуқуқий муносабатлар доирасида мавжуд бўлади.

Жиноий жавобгарликни амалга оширилиши. Жиноий жавобгарликни амалга ошириш шакллари қўйидагилардан иборат:

1. Айбдорни жазо қўлламасдан ҳукм қилиш (ЖКнинг 70, 71-м.).
2. Айбдорга жазо белгилаб, аммо уни реал ижро этишдан озод қилган ҳолда ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-м.).
3. Айбдорга жазо белгилаб, уни ижро этган ҳолда ҳукм қилиш.
4. Айбдорга жазо ёки бошқа тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаб, шунингдек уларни реал ижро этиш билан ҳукм қилиш (ЖКнинг 91-м.).
5. Вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш йўли билан ҳукм қилишдан иборатdir (ЖКнинг 87-м. 2-к.).

Жиноят учун жавобгарлик қўйидаги ҳолларда тугатилади.
Жиноий-хукуқий муносабатлар қўйидаги ҳолатларда тугайди:

- 1) тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларини қўллаш;
- 2) шахс устидан хукм чиқариш:
 - а) жазони қўлламаган ҳолда;
 - б) вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда;
- 3) жиноий жавобгарлиқдан тўлиқ озод этиш;
- 4) жиноий жазодан тўлиқ озод этиш;
- 5) судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши;
- 6) ижтимоий хавфли жиноят содир этган шахснинг ўлими.

2-ўқув саволи: Жиноий жазо турлари.

Жазо – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳукуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир (ЎзР ЖК 42-м.1-к).

Жазо – маҳкумни аҳлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Жиноий жазо турлари (ЖК 43-м.):

- Жарима (ЖК 44-м.);
- Муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш (ЖК 45-м.);
- Мажбурий жамоат ишлари (ЖК 45¹-м.);
- Аҳлоқ тузатиш ишлари (ЖК 46-м.);
- Хизмат бўйича чеклаш (ЖК 47-м.);
- Озодликни чеклаш (ЖК 48¹-м.);
- Интизомий қисмга жўнатиш (ЖК 49-м.);
- Озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 50-м.);
- Умрбод озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 51-м.).

Кўшиимча жазо тури:

- Ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш (ЖК 52-м.).

1. Жарима – айбдордан давлат даромадига жиноят кодексда белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

Жарима – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади. Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши



мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга, ахлоқ тузатиш ишларининг, хизмат бўйича чеклашнинг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.



2. Шахснинг муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш – Шахси муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айборнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади.

3. Мажбурий жамоат ишлари – Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқищдан бўш вақтда ўталади.



Мажбурий жамоат ишлари бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.



4. Аҳлоқ тузатиш ишлари – Аҳлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳқумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат

қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

5. Хизмат бўйича чеклаш – Ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида қўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишидан иборатдир.

Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси жиноят кодекс махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиёtsизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳқумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин.

6. Озодликни чеклаш –

Озодликни чеклаш суд томонидан маҳқумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишини бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишини чеклашдан иборат.



Кўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳқумнинг зиммасига қўйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

- муайян жойларга бормаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишида иштирок этмаслик;
- муайян фаолият билан шуғулланмаслик;
- муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;
- транспорт воситасини бошқармаслик;
- маҳқумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиши жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

- муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
- алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;
- алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

7. Интизомий қисмга жўнатиш – Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган маҳсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян хуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишdir.

Интизомий қисмга жўнатиш жазоси жиноят кодекс маҳсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда уч ойдан бир йилгача муддатга қўлланилади. Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.



тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва тероризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

9. Умрбод озодликдан маҳрум қилиши

– Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни маҳсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб кўйи¹-ўқув саволи: Жиноят-

процессуал қонунчилиги тизими, тузилиши. шдан иборатdir.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва тероризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.



Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўулмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Қўшимча жазо тури: Ҳарбий ёки маҳсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Олий ҳарбий ёки маҳсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

Қўшимча жазо шундай жазоки, у мустақил равишда қўлланилмай, қайсиdir асосий жазо билан биргалиқда белгиланади. Қонунда фақат бир турдаги жазо, яъни ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш қўшимча жазо турига киритилган. Қўшимча жазолар ёрдамчи хусусиятга эга бўлиб, судга содир этилган жиноят оғирлигига мос жазо чорасини индивидуаллаштириш ва умумий ҳамда маҳсус мажбурлов таъсирига эришиш имконини беради.

Мустақил таълим учун топшириқ:

16. Жиноят учун жавобгарликнинг асослари нима?
17. Қандай турдаги жиноий жазо турлари мавжуд?
18. Жазони бошқа жазога ўзгартириш тартиби қандай бўлади?
19. Жиноий жазодан озод қилиш деганда нимани тушунасиз?
20. Асосий жазо турлари қайси?
21. Қўшимча жазо тури қайси?

9-МАВЗУ: ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ.

(МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ 2 – соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи: Жиноят-процессуал қонунчилиги тизими, тузилиши.

2-ўқув саволи: Жиноят процесси иштирокчилари ва уларнинг таснифи.

3-ўқув саволи: Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар.

1-ўқув саволи: Жиноят-процессуал қонунчилиги тизими, тузилиши.

1991 йил мустақилликга эришган мамлакатимиз босқичма-босқич миллий ҳуқукий демократик тизимини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари асосида шакллантиришни Асосий қомусимиз – Конституциямиздан бошлаган эди. Шундан сўнг, ижтимоий-ҳуқукий муносабатларни муҳофаза қилувчи ва тартибга солувчи З та муҳим

кодекслар яъни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги ўн олтинчи сессиясида қабул қилиниб, 1995 йилнинг 1 апрелидан қонуний кучга киритилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги жиноят-процессуал кодекси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартибини белгилайди.

Жиноят ишларини юритишнинг ушбу ЖПКда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир (1-м.).

Жиноят-процессуал қонунчилигининг **вазифалари** (2-м.) эса жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбордорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатdir.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши (3-м.) – жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, баҳарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилади.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан амал қилиши (4-м.) – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЖПКодексига мувофиқ олиб борилади.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ЖПКодекс Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигини яхлит тизим сифатида тасаввур этиш мумкин, чунки унда акс этган нормалар бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлган ҳуқуқий институтлардан иборат. Чунончи, жиноят-процессуал қонунчилигининг тўлиқ кодификация қилиниши ва ягона манба сифатида ЖПКодексига тўпланиши ушбу фикрнинг ёрқин далилидир. Жиноят-процессуал қонунчилигининг маълум қоидалар асосида тизимланиши нафақат унинг таркибий қисмларини тўғри аниqlаш, бевосита ҳуқуқни қўллаш жараёнида

уларнинг ўзаро боғлиқлигини белгилаш, балки қонун ижодкорлиги фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўймаслик имкониятини беради.

Қонун чиқарувчи зарур ҳолларда янги жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини қабул қилиш орқали ЖПКодексининг амалдаги моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкин. Дарҳақиқат, таъкидлаш жоизки, бунда жиноят қонунларининг тизимини ҳисобга олиш нафақат қонунчилик техникаси ва қонуннинг таркибий тузилишига риоя қилиш нуқтаи назаридан, балки ўзаро мувофиқлик, уйғунлик ва мантиқ қоидаларига амал қилиш нуқтаи назаридан ҳам мухимдир. ЖПКодекси маҳсус тузилишга эга бўлиб, у қонун чиқарувчининг иродаси акс этган техник қоидаларга бўйсунувчи шаклдан иборат.

Таркиби ва тузилиши жиҳатидан ЖПКодекси икки: Умумий ва Маҳсус қисмдан, 14 та бўлимдан, 65(10та¹)та бобдан, 609та моддадан иборат.

ЖПКниг ушбу 2та қисмлари ўзаро алоқадор бирликни ташкил қилишига қарамай, улардаги боб ва моддалар маъно-мазмунига кўра бир-биридан фарқ қиласди.

ЖПКниг умумий қисми 1-бўлим 1-боб, 1-моддадан 8-бўлим 40¹-боб 320³-моддаларни ўз ичига олади.

Маҳсус қисми 9-бўлим 41-боб, 321-моддадан бошланиб 14-бўлим 65-боб 609-моддаларни ўз ичига олади.

Умумий ва маҳсус қисмлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунончи, умумий қисмдаги процессуал нормалар асосида маҳсус қисмдаги моддалар билан жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айборларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашга хизмат қиласди.

Жиноят ишларини юритишда жиноят-процессуал қонунчилиқда белгиланган тартиб қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манбаатларини ҳимоя этишга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-боби Жиноят процесси принциплари деб номланган бўлиб ўз ичига ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари талаблари асосида шакллантирилган 11 –27-моддаларни қамраб олган жами 17 та моддада акс эттирилган жиноят процессининг принциплари қайд этилган.

1) Қонунийлик (11-м.) Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт.

2) Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши (12-м.)

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади. Бу талаб

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг З-моддасида ҳам белгиланган.

3) Жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш (13-м.)

Жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади, Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи — тўртингч қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан якка тартибда кўрилади.

4) Судъяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши (14-м.)

Одил судловни амалга оширишда судъялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ҳамда фақат қонунга бўйсунадилар. Судъялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқадилар ва ҳал қиласадилар.

Судъялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

5) Жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги (15-м.)

Прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт.

6) Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш(16-м.)

Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

7) Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиш(17-м.)

Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишлари шарт.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийкقا дучор этилиши мумкин эмас.

8) Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш(18-м.)

Жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт.

9) Судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши (19-м.)

Барча судларда жиноят ишлари ошкора кўрилади, бундан давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилаётган ҳоллар мустасно.

Судларда жиноят ишларини ошкора кўриш суднинг ташабbusи билан ёки жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра аудио- ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда, шунингдек видеоконференцалоқа режимида ўtkазилиши мумкин.

10) Жиноят ишлари юритиладиган тил (20-м.)

Жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпок тилида ёки муайян жойдаги қўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

11) Жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки (21-м.)

Жиноят иши бўйича тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидир.

12) Ҳақиқатни аниқлаш (22-м.)

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлик барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

13) Айбсизлик презумпцияси (23-м.)

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.(ЎзР Конституцияси 26-м. ЎзР «Судлар тўғрисида»ги Конуни 10-м.)

14) Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш (24-м.)

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади.

15) Судда ишларни юритишда тортишув (25-м.)

Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади. Иш судда кўрилаётганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

16) Далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш (26-м.)

Жиноят ишини юритишни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни бевосита текширишлари: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишлари, эксперт хулосаларини эшитишлари, ашёвий далилларни қўздан кечиришлари, баённома ва бошқа ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари шарт. Ушбу Кодексда назарда тутилган алоҳида ҳоллардагина бу қоидалардан четга чиқишга йўл қўйилиши мумкин.

17) Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи (27-м.)

Процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ушбу Кодексда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маҳкум (оқланган шахс), унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари биринчи инстанция судининг ҳукми (ажрими) устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

2-ўқув саволи: Жиноят процесси иштирокчилари ва уларнинг таснифи.

Жиноят процесси – суриштирув органлари, терговчи прокурор ва суднинг жиноят-процессуал қонун хужжатларига асосланган ҳамда муайян тартиб ва тизимга эга бўлган фаолияти, ушбу фаолият муносабати билан унга у ёки бу даражада жалб этилган барча шахслар ўртасида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар.

“Жиноят процесси” термини “**оғир гуноҳ**” маъносини билдирувчи арабча “**жиноят**” сўзидан ва “**чиқиш, намоён бўлиш, олға интилиш**” каби маъноларни билдирувчи лотинча феълдан ясалган.

Жиноят процессининг мақсадлари сифатида ҳам таърифлаш мумкин бўлган аниқ вазифалари қўйидагилардан иборат:

-Жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, яъни жиноят содир этилганлиги фактининг ўзини ва уни ким содир этганлигини аниқлаш;

-Жиноят содир эган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги;

-Бунда айбор бўлганларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш.

Жиноят процессининг иштирокчилари жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва жиноят-процессуал муносабатларга киришиш учун ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган органлар ва шахслардир. Уларга қўйидагилар киради: **суд, прокурор, терговчи, суриштирув органлари, айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ва жавобгар, эксперт, таржимон ва ҳ.к.**

«Жиноят процесси иштирокчилари»нинг кенгроқ тушунчаси ҳам мавжуд. Унга биноан, ушбу иштирокчилар қаторига жиноят процессида амалда иштирок этадиган, бунда процессуал ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўладиган барча шахслар киритилади, чунки бу ҳол жиноят процесси соҳасидаги ҳақиқий аҳволни акс эттиради ҳамда ҳозирги замон процессуал назариясига мос келади.

3-ўқув саволи: Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар.

Жиноят-процессуал фаолият иштирокчилари орасида, аввало, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи ва қонунга кўра муайян ваколатларга, жумладан, давлат мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари ажратилади.

Суд – иш бўйича жиноят процессининг натижасини белгиловчи асосий орган ҳисобланади. ЖПКнинг 28-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасида одил судловни Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Корақалпоғистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади.

Биринчи инстанция суди жиноят иши бўйича ҳукм ёки ажрим чиқариш ҳуқуқига эга. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Назорат инстанцияси суди қонуний кучга кирган ҳукм ҳамда ажрим устидан берилган протестлар бўйича ишларни улар аппеляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин кўриб, қарор (ажрим) чиқаради.

Суд мажлисининг котиби ЖПКнинг 32-моддасига мувофиқ, раислик қилувчининг топшириғига биноан жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тайёрлайди; суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида процесс иштирокчиларига хабар беради; судга чақирилган процесс иштирокчиларининг келган-келмаганлигини текширади ва ҳозир бўлмаган шахсларнинг келмаганлиги сабабини аниқлаб, бу ҳақда судга маълум қиласди; суд мажлислари баённомасини ёзиб боради; раислик қилувчининг суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажаради.

Котиб баённомада суднинг ҳаракатлари ва қарорларини, шунингдек суд мажлиси барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, ариза, илтимос ва кўрсатувларини тўлиқ ва тўғри баён қилиб бориши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг **Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар** суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъий назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт. У ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади (ЖПК 33-моддаси).

ЖПКнинг 35-моддасига биноан, жиноят иши бўйича дастлабки терговни **прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари** олиб борадилар.

Терговчи жиноят ишини қўзғатишга ва тугатишга, ишни қўзғатишни рад этишга; жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга; ЖПКда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга; шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида қарор чиқаришга; ўзи юритишга қабул қилган иш бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар беришга; суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилишга ҳақлидир.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гурухининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этадилар, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона олиб бориш чораларини кўрадилар.

ЖПКнинг 38-моддасида санаб ўтилган ҳар бир органинг раҳбарлари **суриштирув органининг бошлиғи** сифатида жиноят ишини қўзғатишга, бу ишни ўз юритувига қабул қилиш ва суриштирувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа ходимга суриштирув юритишни топширишга ёхуд иш қўзғатишни рад этишга ёки аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказишга ҳақлидир.

Суриштирув органи бошлигининг топшириғига биноан ва унинг раҳбарлигига ишлаётган суриштирувчи иш бўйича ЖПКнинг 339-моддасида назарда тутилган вазифаларни бажариш учун зарур, кечиктириб бўлмайдиган барча тергов ҳаракатларини амалга ошириши шарт.

Суриштирувнинг вазифалари:

- 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик;
- 2) далилларни тўплаш ва сақлаш;
- 3) жиноят содир этишда гумон қилингандарни ушлаш ва яширган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;
- 4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат.

Жиноят ишида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларнинг процессуал мақоми. Ҳимоячи ва вакиллар.

Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахсларга айбланувчи, гумон қилинувчи, уларнинг ҳимоячилари ва вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари киради.

Айбланувчи жиноят-процессуал хужжатларда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсадир (ЖПКнинг 45-моддаси).

Айбланувчи судда судланувчи деб, хукм чиқарилганидан кейин эса маҳкум ёки оқланган шахс деб аталади.

Айбланувчи кенг доирадаги процессуал ҳуқуқларга эга. Терговчи, прокурор ва суд унинг ушбу ҳуқуқларини таъминлашлари шарт, бу эса айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш учун кафолатдир.

Гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради (ЖПК 47-моддаси).

Гумон қилинувчи ўзининг процессуал ҳолатига кўра айбланувчига яқин туради. Худди айбланувчи каби, у ЖПКнинг 48-моддасида белгилаб қўйилган муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Жабрланувчи деб - жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий заарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, жабрланувчи сифатида эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор – қарор, суд эса – ажрим чиқаради.

Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади (ЖПК 54-моддаси).

Фуқаровий даъвогар деб жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавфли қилмиши шахсга, корхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкий заарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этилади. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаганларнинг, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин (ЖПК 56-моддаси).

Фуқаровий жавобгар деб айбланувчи томонидан ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ақли норасо шахс томонидан етказилган заарар учун қонунга кўра мулкий жавобгар шахс, корхона, муассаса ёки ташкилот ишда фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин. Фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради (ЖПК 58-моддаси).

Қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади.

Ҳимоячи гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя

қилишни амалга оширишга ҳамда уларга керакли юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсdir.

Ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлиdir. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади (ЖПК 50-моддаси).

Қўйидаги ишлар бўйича:

- 1) вояга етмаганларнинг иши бўйича;
- 2) соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсони ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи химоя қилиш ҳукуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;
- 3) судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;
- 4) жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;
- 5) шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;
- 6) давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;
- 7) жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;
- 8) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Мустақил таълим учун топширик:

22. ЖПКнинг қандай турдаги принциплари мавжуд?
23. ЖПКнинг тузилиши қандай?
24. Жиноят професси иштирокчиларига кимлар киради?
25. Жиноят професси иштирокчиларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари қайсилар?

Семинар машғулоти (2 соат)

Ушбу ўкув машғулоти “*True or false*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Чет тилини ўрганишдаги машхур методлардан бири “Рост ёки ёлғон” методи ҳисобланиб, ушбу метод тингловчилардан мавзуга оид берилган жумлаларни тўғри ёки нотўғрига ажратишларини талаб қиласди. Ҳар қайси жавоб ҳукуқий жиҳатдан исботлаб берилиши лозим.



Ушбу методдан якка тартибда ҳам кичик гурухларга бўлган ҳолда ҳам фойдаланиш мумкин. Албатта, жуда муҳим шарт тингловчиларнинг мавзуга оид адабиёт ва тарқатмалар билан таъминланганлиги.

Т/р	Мазмун
1.	Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилади.
2.	Прокурор биринчи инстанция судининг ҳукми (ажрими) устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидир.
3.	Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни аста ва қисман очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатсиз жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбик этилишини таъминлашдан иборатдир.
4.	Одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақиллар ҳамда факат Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунадилар.
5.	Қасдан одам ўлдириш билан боғлиқ барча ишлар судда ошкора кўрилади.
6.	Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, химоячи, шунингдек жиноят ишини юритишида иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт.
7.	Прокурор судда ҳам айбловчи ҳам химоячи сифатида қатнашиши мумкин.
8.	Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси худудида ЖПКга мувофиқ олиб борилади.
9.	Айбланувчи - жиноят содир этишда айбдор шахс.
10.	Ўзбекистон Республикаси худудида жиноят ишларини юритиш тартиби Фуқаролик-процессуал кодекси билан белгиланади.
11.	Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, конун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.
12.	Жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади, Жиноят кодекси оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан якка тартибда кўрилади.
13.	Жиноят ишларини юритиш давлат тилида олиб борилади.
14.	Пора олиш билан боғлиқ жиноятларни прокуратура кўриб чиқиб жазо қўллаши

	мумкин.
15.	Ёпиқ суд мажлисини аудио- ва видеоёзувга олиш амалга оширилмайди.
16.	Ҳеч ким прокурор санкциясига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.
17.	Гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчи ҳимояланиш ҳукуқига эга.
18.	Терговчи ва тезкор вакил айбланувчидан маълумот олишнинг иложи бўлмагандан маълумотларни қийноқ йўли билан олиши мумкин.
19.	Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбисизлигини исботлаб бериши шарт эмас.
20.	Ёшлар иттифоқи вакиллари жиноят ишини юритишда жамоат айбловчилари ҳамда жамоат ҳимоячилари тариқасида қатнашишга ҳақлидир.
21.	Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш хисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.
22.	Жиноят ишларини юритишнинг ЖКда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

Тингловчилар қуидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

1. ҳар бир тингловчининг бевосита саволларга берган жавоби;
2. кичик-кичик гурухлардаги бўлинганда гурухнинг дарс машғулотидаги активлиги;
3. тингловчининг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
4. мавзу юзасидан тингловчининг билдирган мантиқий фиклаши.



Мустақил таълим учун топшириқ:

- 1 Жиноят-процессуал қонунчилиги тузилиши қандай?
- 2 Жиноят-процессуал қонунчилиги принципларининг аҳамияти нима?
- 3 Жиноят-процессуал қонунининг макон бўйича амал қилиши?
- 4 Жиноят-процессуал қонунининг вақт бўйича амал қилиши?
- 5 Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар?
- 6 Суд, прокурор ва терговчининг қандай ваколатлари мавжуд?

10-МАВЗУ: ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДА ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН ШАХСЛАРНИ УШЛАБ ТУРИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ.

(МАЪРУЗА МАШғУЛОТИ 2 – соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи: Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби, муддатлари ва ушлаб туришга ваколатли органлар (мансабдор шахслар).

2-ўқув саволи: Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахсларни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, ҳибсга олиш ва уни хуқукий оқибатлари.



1-ўқув саволи: Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби, муддатлари ва ушлаб туришга ваколатли органлар (мансабдор шахслар).

Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахсларни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қийноқ ва зўравонликка йўл қўймаслик борасидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати қатъий бўлиб, суд-хукуки ислоҳотларининг асосий йўланлишларидан бирини ташкил этади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш асослари, тартиби ва муддатларини ўрганишдан олдин Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари тўғрисида зарур тушунчаларни билиб олишимиз лозим. Ўз.Р МЖтКнинг “Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш, ашёлар ва хужжатларни олиб қўйиш” деб номланган 21-боби ўз ичига 285-293-моддаларни қамраб олган бўлиб “Маъмурий йўл билан ушлаб туриш” чораси эса Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари таркибига мансуб бўлган мажбурлов чоралардан бири бўлиб ҳисобланади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари (ЎзР МЖтКнинг 285-модда)

Бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий хукуқбузарликни тўхтатиш, хукуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни хукуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий хукуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўрикдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда хужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилиши қайд этилган:

- маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш;
- ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш;
- ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш (284-м), (баённома тузиш зарур бўлганда);
 - маъмурий йўл билан ушлаб туриш (286-288-м)
 - шахсни қўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш (289-м)
 - ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш (290-м)
 - транспорт воситаларини ушлаб туриш ва қўриқдан ўтказиш(291-м)
 - транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш (292-м)

Шунингдек, МЖТКнинг “Ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш” деб номланган 284-моддасида яна қуйидаги асос ва мақсадда шахсни ушлаб келтириш мумкинлиги қайд этилган:

- “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, агар баённома тузиш шарт бўлиб, уни жойнинг ўзида тузишнинг имкони бўлмаса, ички ишлар органи ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс ҳуқуқбузарни ички ишлар органига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига келтириши мумкин.”

- “агар ҳуқуқбузар шахсда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, транспортда юкларни бут сақлашни таъминлаш борасидаги қоидалар, транспортда ёнфиндан сақлаш қоидалари, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши кураш-санитария қоидалари бузилган тақдирда ваколатли шахс томонидан ички ишлар органларига ушлаб келтирилиши мумкин.”

- “ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик бузилганда баённома тузиш мақсадида, башарти ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида аниқлаш мумкин бўлмаса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрар ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб борувчи органларнинг ходимлари, муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг мансабдор шахслари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари, овчилик жамоатчи инспекторлари, балиқларни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари ва ўрмонларнинг жамоатчи инспекторлари томонидан шунингдек ички ишлар органлари ходимлари шундай ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ички ишлар органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтиришлари мумкин.”

- “Юридик шахсларнинг қўриқланадиган обьектларига, бошқа мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимлари ёки ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликка барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва

хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органига, ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки ички ишлар органларига ушлаб келтирилиши мумкин.”

Хуқуқбузарни ушлаб келтириш тартиби **МЖТКнинг 284-моддасига** биноан хуқуқбузарни олиб келиш иложи борича **қисқа муддатда амалга оширилиши лозим.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келинган шахс бу ерда **бир соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас.**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриши – хуқуқбузарнинг шахсини аниклаш, маъмурий баённома тузиш ва хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган, шахснинг қисқа муддатга эркинлигини чеклашдан иборат мажбурий **маъмурий таъсир чоралардан бири**дир.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби Ўз.Р. МЖТКнинг (286-моддаси) “Маъмурий йўл билан ушлаб туриш”га асосан амалга оширилади ва хуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриш учун “Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённома тузилади”.

Мазкур моддага асосан маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда:

- баённома тузилган сана ва жой;
- баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;
- ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар;
- уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари қайд этилади.

Баённомани уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади.

- Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади.

- Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта ҳабардор қилинади.

ЎзР МЖТКнинг 287-моддасида Маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатли органлар (mansabdar shahslar) қайд этилган.

Маъмурий йўл билан ушлаб туришни – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан **ваколат бериб қўйилган қўйидаги органлар (mansabdar shahslar) томонидангина амалга оширилиши мумкин:**

1) Ички ишлар органлари томонидан ЎзР МЖТКнинг қўйидаги моддаларида назарда тутилган хуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда: 47⁴, 47⁵, 51², 51⁸, 51⁹, 54, 56, 57, 58, 61-моддаларида, 61¹-моддасининг биринчи қисмида, 70¹, 90, 90¹, 91, 92, 94, 113, 114, 115, 116, 116¹, 116², 117-моддаларида, 118-моддасининг учинчи қисмида, 121, 122, 123, 125, 125¹, 126, 127, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 135¹, 136, 137, 138, 141, 142-моддаларида, 144-моддасининг учинчи қисмида, 146-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида, 152-

моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 154, 156-моддаларида, 164-моддасининг тўртинчи қисмида, 170-моддасида, 176-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 176³-моддасида, 176⁴-моддасининг иккинчи қисмида, 183, 184¹, 184², 184³, 185, 185¹, 185², 185³, 186, 187, 188, 188³, 189, 189¹, 190, 191, 192, 194, 195, 198, 199, 201, 202¹, 203, 204, 205, 209, 209¹, 210, 218, 220, 224-моддаларида, 225-моддасининг биринчи — учинчи қисмларида, 225¹, 228, 239, 240, 241-моддалари;

2) Чегара қўшинлари томонидан МЖтКнинг қуидаги моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда: 184², 184³, 196¹, 224-моддаларида, 224¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 224²-моддасида, 227²¹-моддаси биринчи қисмида, 227²³-моддаси;

3) Кўриқланадиган объект жойлашган ердаги ҳарбий соқчиликнинг катта мансабдор шахси томонидан МЖтКнинг қуидаги моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда: 61, 198-моддаларида, 210¹-моддасининг биринчи қисми содир этилганда;

4) ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари томонидан Қуролли Кучлар ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларини бошқарувчи ҳайдовчилар ёки бошқа шахслар томонидан МЖтКнинг қуидаги моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда: 125, 125¹, 126, 127, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 129, 130, 131, 133, 134, 135, 135¹, 136, 137, 138, 141-модда;

5) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан МЖтКнинг қуидаги моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда: 60-моддасида, 69-моддасида (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бундан мустасно), 70¹, 77, 79, 81, 82, 83, 84, 90, 90¹, 91, 92, 93, 94, 198-модда;

6) Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан МЖтКнинг қуидаги моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда: 77-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 79-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 83, 84-моддаларида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 90-моддасининг биринчи қисмида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида);

7) Давлат божхона органлари ходимлари томонидан МЖтКнинг қуидаги моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда: 90¹, 184², 184³, 185¹, 189, 189¹, 198, 227, 227¹— 227²⁷-моддалари;

8) Ҳарбий патруль томонидан МЖтКнинг қуидаги моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда: 194, 204, 205-моддалари;

9) Давлат солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор

шахслари томонидан МЖтКнинг қуидаги моддаларида назарда тутилган хуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда: 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида (радиоэлектрон воситаларни ёки юқори частотали қурилмаларни сотиш ёхуд ўзгага доимий ёки вақтингчалик фойдаланиш учун бериш қисми), 164-моддасининг тўртинчи қисмида, 165¹, 166, 170-моддаларида, 176-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 176³-моддасида, 176⁴-моддасининг иккинчи қисмида, 186¹, 198-моддалари;

10) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари томонидан МЖтКнинг қуидаги моддаларида назарда тутилган хуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда: 54, 61, 185¹, 194¹, 195¹, 198-моддаларида, 210¹-моддасининг биринчи қисми.



ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун **уч соатгача муддатга** ушлаб турилиши мумкин, хуқуқбузарнинг шахсини ва хуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса — ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичida прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, **уч суткагача ёки** хуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи хужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан **үн суткагача** муддатга ушлаб турилиши мумкин.

ЎзР МЖтКнинг 54, 56, 57, 58, 61, 90-моддаларида, 164-моддасининг тўртинчи қисмида, 170, 183, 184², 184³, 191, 194, 194¹, 195, 195¹, 201, 204, 205, 206, 210-моддаларида, 225-моддасининг биринчи — учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарлик содир этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахслар хуқуқбузарлик тўғрисидаги иши жиноят ишлари бўйича суд ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар, лекин **24 соатдан кўп бўлмаган** муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати хуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса – улар **хушёр тортган вақтдан** бошланади.

Шунингдек, ЎзР МЖтКнинг “**Маъмурий қамоқни ўташ тартиби**” деб номланган **346-моддасига биноан**, Маъмурий йўл билан **ушлаб туриш муддати** маъмурий қамоқ муддатига **қўшиб** ҳисобланади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари (МЖТК 288-м.) қуидагича белгиланган.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш **уч соатдан ортиқ** давом этиши мумкин эмас.

Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали

2-ўқув саволи: Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахсларни қонунга хилоф равища ушлаб туриш, ҳибсга олиш ва уни ҳуқуқий оқибатлари.

Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида шахсларни қонунга хилоф равища ушлаб туриш ва ҳибсга олиш ҳақида тўхталар эканмиз, дастлаб ушлаб туриш ва ҳибсга олишнинг тушунчалари ҳақида аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофик бўлади.

Амалдаги қонунчиликка биноан **ушлаб туриш** деганда, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум этишдан иборат процессуал мажбурлов чораси тушунилади.

Ушлаб туришнинг асосий мақсади далилларни тўплаш учун шароит яратиш билан бирга одил судловнинг муҳимроқ манфаати – гумон қилинувчини суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниши, жиноий фаолиятини давом эттириш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этиш имкониятларидан маҳрум қилиш ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодекси 221-моддасига кўра қўйидагилар ушлаб туришга асос бўлиши мумкин:

- 1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;
- 2) жиноят шоҳидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;
- 3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;
- 4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Шунингдек, **ЖПКнинг 223-моддасига** кўра депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил, судьялар ва прокурорлар ушлаб турилиши ҳамда ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас.

Лекин, ушбу қоида юқорида кўрсатилган шахслар жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушганда татбиқ этилмайди. ЖПК 221-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ушлаб туриш қонунга хилоф ҳисобланади.

Бундан ташқари дипломатик иммунитетга эга ходимларни ушлаб туриш ҳам қонунга хилоф ҳисобланади. ЖПК 223-моддасида назарда

тутилган иммунитетдан фарқли равища дипломатик иммунитетга эга шахсларни ҳар қандай ҳолатда ушлаб туриш мумкин эмас.

Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунига қадар ҳам, жиноят иши қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жиноят иши қўзғатилгунига қадар ушлаб туриш ЖПКнинг 224-моддаси тартибида амалга оширилади. Бунда ИИО ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг юқорида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита аниқласа ёки бошқа шоҳидларнинг сўзларидан аниқласа:

1) ўзини таништириши ва ушлаб турилган шахснинг талабига кўра ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши;

2) гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини маълум қилиши;

3) ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши;

4) ушлаб турилган шахсга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши;

5) ушлаб турилган шахсдан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт.

Қўйидаги ҳолатларда жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахс озод қилиниши шарт:

1) жиноят содир этганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса;

2) ушлаб турилганга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлмаса ёки уни қўллаш суд томонидан рад этилса;

3) ушлаб туришнинг белгиланган муддати тугаган бўлса ва ушлаб турилганга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилмаган ёхуд ушлаб туриш муддати узайтирилмаган бўлса, озод қилинади.

Вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушбу Кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлганда ва унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланилиши мумкин. Вояга етмаганларга нисбатан фақат оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилган ҳоллардагина қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишда Жиноят-процессуал кодексининг 239-моддасида (эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин бўлган шахслар) белгиланган талабларга риоя қиласлик ҳам

қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш деб баҳоланади. Хусусан, ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, қамоққа олиш эҳтиёт чораси:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палатаси ёки унинг Кенгаши розилиги билан;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хуқуqlари бўйича вакилига (омбудсманга) нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилиги билан;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан;

4) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг депутатига нисбатан - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки уларнинг раҳбарлари розилиги билан;

5) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяларига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларининг, иқтисодий, маъмурий ва ҳарбий судларининг судьяларига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг хулосаси мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг розилиги билан;

6) Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзосига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг розилиги билан;

7) прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан - Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан қўлланилиши мумкин.

Мустақил таълим учун топшириқ:

1 Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қийноқ ва зўравонликка йўл қўйиш қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

2 Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-моддаси) жиноятининг жабрланувчилари кимлар бўлиши мумкин?

3 Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати қачондан бошланади?

Семинар машғулоти (2 соат)



Дарс машғулоти “ЗИНАМА-ЗИНА” интерфаол усули орқали амалга оширилади.

Ушбу машғулот ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу буйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш хамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма куринишида ифодалай олишга ўргатади. Бу технология ўқувчилар билан бир гурух ичida якка ҳолда ёки гурухларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот килинади.

Технологиянинг мақсади. Ўқувчиларни эркин, мустақил ва мантикий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб улардан назарий ва амалий тушунча хосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсири эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг кулланиши: маъруза (имконият ва шароит бўлса), семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида якка тартибда ёки кичик гурухларда ўтказиш хамда назорат дарсларида қўлланилиши мумкин.

Машғулотда қўлланиладиган воситалар: А-3, А-4 форматли қозгозларда тайёрланган (мавзуни ажратилган кичик мавзучалар сонига мос) чап томонига кичик мавзулар ёзилган таркатма материаллар, фломастер(ёки рангли калам)лар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи машғулот бошлангунга қадар ўкув материалини бир неча кичик мавзуларга бўлиб олади;
- ўқитувчи ўқувчиларни мавзулар сонига караб 3-5 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади (гурухлар сони 4 ёки 5 та булгани маъқул);
- ўқитувчи ўқувчиларни машғулотнинг мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан танишитиради. Хар бир гурухга қозгознинг чап кисмида кичик мавзу ёзуви (дарс машғулотининг хар бешта режаси) бўлган вараклар таркатилади;
- ўқитувчи гурух аъзоларини таркатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан танишишларини ва шу мавзу асосида билганларини

фломастер ёрдамида когоздаги буш жойга жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзб чикиш вазифасини беради ва вакт белгилайди;

➤ гурух аъзолари биргаликда таркатма материалда берилган кичик мавзуни ёзма (расм ёки чизма) ифода этадилар. Бунда гурух аъзолари кичик мавзу буйича имкон борича туларок маълумот беришлари керак булади;

➤ таркатма материаллар тулдирилгач, гурух аъзоларидан бир киши тақдимот килади. Тақдимот вақтида гурухлар томонидан тайёрланган материал, албатта, аудитория доскасига мантикан тагма-таг (зина шаклида) илинади;

ўқитувчи гурухлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машгулотни якунлайди (тақдимот вақтида бошка гурух аъзолари хам тақдимот килинган мазмунга ўзларининг фикрларини билдиришлари мумкин).

Тингловчилар қуидагиларни инобатга олган ҳолда баҳоланади:

5. ҳар бир тингловчининг бевосита саволларга берган жавоби;
6. кичик-кичик гурухлардаги бўлинганда гурухнинг дарс машғулотидаги активлиги;
7. тингловчининг дарс машғулотидаги тартиб-интизоми;
8. мавзу юзасидан тингловчининг билдирган мантикий фиклаши.



Мустақил таълим учун топшириқ:

- 1 Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?
- 2 Қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш жинояти қачон тугалланган ҳисобланади?
- 3 Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш жинояти субъекти ким бўлиши мумкин?
- 4 Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қийноқ ва зўравонликка йўл қўйиш қандай хуқукий оқибатларни келтириб чиқаради?
- 5 Қийноқка солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-моддаси) жиноятининг жабрланувчилари кимлар бўлиши мумкин?

Мавзулар юзасидан таҳминий тест саволлари

1-мавзу юзасидан:

1. Қўйида келтирилганлардан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.
2. Қўйидагилардан Конституциявий тузум элементлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.
3. Суверенитет сўзининг маъноси?
4. Хуқуқшунослик ва сиёsatшуносликда суверенитетнинг қандай турлари фарқланади?
5. Жамиятда давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва унинг мамлакат ичкариси ҳамда халқаро майдонда бошқаларга нисбатан тўла мустақиллиги деб нимага айтилади?
6. Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Конституциявий комиссиянинг раиси ким этиб белгиланди?
7. Шахсни ушлаш чоғида унинг хуқуqlари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунирилиши бу қайси қоида?
8. Демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча teng ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлат?
9. “Хабеас корпус” институтининг маъноси нима?
10. Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг тўртинчи йўналиши қандай номланади?

2-мавзу юзасидан:

1. Қўйида келтирилганлардан “Тизим” сўзининг маъносини топинг.
2. Қўйидагилардан хуқуқ нормасининг таркибий элементларини аниқланг.
3. Диспозицияда кўрсатилган қоиданинг кучга кириши учун зарур бўлган аниқ ҳаётый ҳолат (воқеа, ҳаракат, ҳодисалар) хуқуқ нормасининг қайси элементида ўз аксини топади?
4. Гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида хуқуқ субъектлари риоя этишлари лозим бўлган хатти-ҳаракат қоидаси (хуқуқ ва мажбуриятлари) хуқуқ нормасининг қайси элементида ўз аксини топади?
5. Диспозицияда кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун берилиши мумкин бўлган таъсир чораси ёки тавсия этилган ҳаракатни содир этганлик учун рағбатлантиришнинг тури ва ўлчови хуқуқ нормасининг қайси элементида ўз аксини топади?
6. Хуқуқ нормалари уларда мустаҳкамланган қоидаларнинг характеристига қараб қандай турларга бўлинади?

7. Ваколатли давлат органининг белгиланган тартибда қабул қилган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, умуммажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи юридик хужжат?

8. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни қачон қабул қилинган?

9. Қўйида келтирилганлардан “Конституция” сўзининг лугавий маъносини аниқланг.

10. Бирор назария, таълимот, дунёқарашиб ва шу кабиларнинг дастлабки, асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинадиган бош фоя, қонун-қоида?

3-мавзу юзасидан:

1. Фуқаролик хуқуқ ва мажбуриятларининг субъектлари ҳисобланувчи корхона, муассаса, ташкилотлар?

2. Хуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат деганда нимани тушунасиз?

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг турлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг шакллари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

5. Жисмоний шахснинг мурожаатида нималар кўрсатилган бўлиши лозим?

6. Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат деб қандай мурожаат турига таъриф берилмоқда?

7. Юридик шахснинг мурожаатида нималар кўрсатилган бўлиши лозим?

8. Қандай мурожаатлар кўрмай қолдирилиши мумкин?

9. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сон қонун қачон қабул қилинган?

10. Бузилган хуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат деб қандай мурожаат турига таъриф берилмоқда?

4-мавзу юзасидан:

1. Ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?
2. Кимлар маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланмайди?
3. Қуидагилардан маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибига тегишли бўлмаган жавобни аниқланг кирмайди:
4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?
5. Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёшини аниқланг?
6. Қуидаги субъектлардан кимга маъмурий жарима жазоси қўлланилмайди?
7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томонининг қўшимча белгиларини кўрсатинг?
8. Қуидагилардан қайси бири маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга огоҳлантириш қўллаш ваколатига эга?
9. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қайси қисмлардан иборат?
10. Қуидагилардан қайси бири маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланмайди?

5-мавзу юзасидан:

1. Маъмурий жазо аниқланган кундан бошлаб қанча муддатда қўлланилиши мумкин?
2. Қўшимча маъмурий жазолар қуидаги қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
3. Қуидагилардан асосий маъмурий жазо чораларини аниқланг?
4. Маъмурий жазонинг мақсади?
5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундириш?
6. Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш жазоси кимларга қўлланилмайди?
7. Муайян шахсни унга берилган маҳсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш чораси дейилганда қайси ҳуқуқлар назарда тутилади?
8. Муайян шахсни унга берилган маҳсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш чораси ким томонидан қўлланилади?
9. Муайян шахсни унга берилган маҳсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш чораси кимларга қўлланилмайди?
10. Маъмурий қамоқقا олиш муддати қанча?

6-мавзу юзасидан:

1. Била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш?
2. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасдан камситиш?

3. Туар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоҳиши-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кириш?

4. Тұхмат қилиш ҳуқуқбузарлигининг субъектив томонини аникланг?

5. Ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлигининг объектив томонини аникланг?

6. Эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиши ҳуқуқбузарлигининг объектив томонини аникланг?

7. Енгил тан жароҳати етказиши ҳуқуқбузарлигининг обьекти?

8. Қуйидаги келтирилған жойлардан қайси бирида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш таъкиқланмаган?

9. Оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлигининг субъектив томонини аникланг?

10. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлигининг объектив томонини аникланг?

7-мавзу юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қачон қабул қилинган?

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси неча қисмдан иборат?

3. Жиноят учун тайинланиши мүмкін бўлган жазонинг тури, муддати ва миқдорини кўрсатиб берувчи ҳуқукий норманинг қисми нима деб аталади?

4. Жиноят таърифининг асосий белгилари тўғри кўрсатилган жавобни аникланг?

5. Қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?

6. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?

7. Қилмиш тушунчасини тўғри белгиланг?

8. Жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларни фарқлашнинг асосий белгиларини топинг?

9. Қасдан содир этилиб, қонунда ўн йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?

10. Қасдан содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп, ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?

8-мавзу юзасидан:

1. Жиноят учун жавобгарликнинг умумий ёшини кўрсатининг?

2. Жиноят натижасида тажовуз қилинган ижтимоий муносабат жиноят таркибининг қайси элементига оид?

3. Норматив-хуқуқий хужжатлар билан бажарилиши белгилаб қўйилган ҳаракатларни бажармаслик деб нимага айтилади?
4. Жиноят таркибининг субъекти тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?
5. Жиноятни объектив томонининг белгилари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
6. Жиноий жавобгарликнинг фактик асосини топинг?
7. Жиноий жавобгарликнинг норматив асосини топинг?
8. Жиноят таркибининг обьекти тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?
9. Оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (ЖК 97-м. 2-к.) жинояти учун жавобгарлик ёшини кўрсатинг?
10. Мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик ёшини кўрсатинг?

9-мавзу юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси қачон қабул қилинган?
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси неча қисмдан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби қайси норматив-хуқуқий ҳужжат билан белгиланади?
4. Жиноят ишини юритишида иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари қайси принцип?
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга ошириши қайси принцип?
6. Жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайси орган терговчилари олиб борадилар?
7. Айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахс?
8. Маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахс?
9. Жиноят ишларини юритиш қайси тилда олиб борилади?
10. Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс?

10-мавзу юзасидан:

1. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш жинояти қачон туталланган ҳисобланади?
2. Ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахсларни аниқланг?
3. Қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш жинояти қачон туталланган ҳисобланади?

4. Конунга хилоф равища ушлаб туриш жиноятининг субъекти ким бўлиши мумкин?

5. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қийноқ ва зўравонликка йўл қўйиш қандай ҳукукий оқибатларни келтириб чиқаради?

6. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-моддаси) жиноятининг жабрланувчилари кимлар бўлиши мумкин?

7. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати қачондан бошланади?

8. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатини аниқланг?

9. Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туриш муддатини аниқланг?

10. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш қандай процессуал ҳукукий оқибатларни келтириб чиқаради?

ГЛОССАРИЙ

Таянч сўз ва иборалар:

Айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир. Айбланувчи судда *судланувчи* деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, *маҳкум* ёки оқланган деб аталади. (ЖПК 45-моддаси)

Аноним мурожаат – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

Ариза – ҳукуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

Видеоконференцалоқа – узокда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

Гувоҳ - жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ва кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс. (ЖПК 66-моддаси)

Гумон қилинувчи бу жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. (ЖПК 47-моддаси)

Дастур («Йўл ҳаритаси») - у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар (вазифалар,

амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар) ва механизмлар тизимини белгилайди.

Доктрина - Ўзбекистон Республикасининг у ёки бу соҳадаги миллий манфаатларини таъминлаш мақсадлари, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишларини белгилайди.

Жабрланувчи - жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган шахс (ЖПК 54-моддаси).

Жиноят ишларини юритиш тартиби - Ўзбекистон Республикаси худудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. Жиноят ишларини юритишнинг ЖПКда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, сурештирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

Жиноят процессининг бошқа иштирокчиси деганда ЖПКнинг 4–бобларида назарда тутилган жиноят процессининг бошқа иштирокчилари тушунилади. Масалан жамоат ҳимоячиси, қонуний вакил, эксперт, мутахассис, холис ва бошқалар.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари - Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатdir.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши - Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан сурештирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилади.

Йўриқнома - норматив-ҳуқуқий хужжатларни қўллашнинг аниқлаштирувчи жиҳатларини белгилайди.

кенг маънода шахс ва фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шахсий ҳаёти ва бошқа ҳуқуқларига дахл этувчи бирон-бир ҳаракатни ўзбошимчалик билан содир этиш мумкин эмаслигини англаради.

Концепция - у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларини, мақсадларини, асосий йўналишларини, вазифаларини ва амалга оширилиш механизмларини белгилайди.

Қоидалар - бирор-бир фаолиятни амалга оширишга доир талабларни белгилайди.

Қонунийлик - Судья, прокурор, терговчи, сурештирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон

Республикасининг бошқа қонун хужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш - хуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, маъмурий баённома тузиш ва хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган, шахснинг қисқа муддатга эркинлигини чеклашдан иборат маъмурий таъсир чораларидан биридир.

Низом - давлат органлари ва ташкилотларнинг, улар таркибий бўлинмаларининг мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, хукуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек у ёки бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тартибини белгилайди.

Оммавий қабул – таркибий ёки худудий бўлинма раҳбарларининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

Регламент - давлат органлари ва ташкилотларнинг иш тартибини, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлар томонидан маъмурий тартибтаомилларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Сайёр қабул - тасдиқланган жадвал асосида таркибий ёки худудий бўлинма раҳбарлари томонидан жойларга чиқкан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи.

Стратегия - мамлакат ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларини белгилайди.

Таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

Такрорий мурожаат – аввалги мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишининг қонун хужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат;

Ушлаб туриш - жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум этишдан иборат процессуал мажбурлов чораси тушунилади.

Шикоят – бузилган хуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

Электрон мурожаат – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан Вазирлик ёхуд унинг

таркибий ва худудий бўлинмалари расмий веб-сайтларига жойлаштирилган мурожаат, реал вакт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

Эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олиш деганда, айланувчи (гумон қилинүвчи)нинг тергов ва суддан бўйин товлаши ва бундан буёнги жиной фаолиятининг олдини олиш, унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида тергов органининг илтимосномасига асосан суд томонидан кўлланиладиган, айланувчини озодликдан маҳрум қилиш тушунилади.

Яқин қариндошлар деганда эса қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишиган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишиган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари тушунилади (ЖК Саккизинчи бўлими).

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.

2. *Мирзиёев Ш.М.* Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 48 б.

3. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатый тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.

4. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 488 б.

5. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Тошкент - «Ўзбекистон»,- 2017. – 596 б.

6. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимзинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.- Тошкент - «Ўзбекистон»,- 2018. – 512 б.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2019. – 76.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.– Т., 2021. – Lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Тероризмга қарши кураш тўғрисида»ги ЎРҚ-167-II-сон қонуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги

«Прокуратура тўғрисида»ги ги ЎРҚ-257-II-сон қонуни // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2016. – № 38. – 438-м.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-489-сон қонуни.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги «Судлар тўғрисида»ги ЎРҚ-703-сон қонуни. // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-263-сон қонуни // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-м.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-561-сон қонуни // Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/561/3680-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хуқуqlари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6312-сон Фармони // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.09.2021 й., 06/21/6312/0864-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июндаги “Кийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5163-сон Қарори // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.06.2021 й., 07/21/5163/0600-сон.

III. Махсус адабиётлар

1. Ю.С. Пулатов, И. Исмаилов, А.А. Курбанов Ички ишлар органлари фаолияти. Дарслик. – Т., 2018. – 407 б.

2. X.T. Odilqoriyev, I. Ismailov, N.T. Ismoilov Ma'muriy huquq: Darslik// X.T. Odilqoriyev va B.E. Qosimovning umumiyl tahriri ostida. – T., 2010.
3. Jinoyat huquqi. Umumiyl qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R.Kabulov, A.A.Otajonov va boshq. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 452 b.
4. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliv ta'lim muassasalari uchun darslik. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2016. – 323 b.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Умумий қисм / М.Рустамбоев. – Т.: 2016. – 608 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Maxsus қисм / М.Рустамбоев. – Т.: 2016. – 960 б.
7. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi. Umumiyl qism: Chizmalar albomi /A.S.Yakubov, R.Kabulov, B.B.Matlyubov, D.Y.Payziyev, T.R.Kuchkarov. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 154 b.
8. Jinoyat huquqining umumiyl qismidan amaliy masalalar. O'quv qo'llanma. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. – 46 b.
9. Тахиров Ф. Жиноят-хуқуқий сиёсат ҳамда жиноят қонунини такомиллаштириш истиқболлари. //Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари (Илмий амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДЮИ, 2010. – 61-68 б.
10. Холиқулов У., Салаев Н. Жиноят ҳуқуқи принциплари: таҳлил ва мулоҳаза. //Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари (Илмий амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДЮИ, 2010. – 131-140 б.
11. Якубов А.С., Кабулов Р. Современные тенденции в уголовной политике Узбекистана. //Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. 2010. – №1. – С. 29-36.
12. Prof. Odilqoriev H.T., Qosimov B.E. Umumiyl tahriri ostida. Ma'muriy huquq. Darslik: - T., IIV Akademiya 2010. – 1- 29.
13. Алимов Ҳ. Р., Махмудов А.А.,Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслек: – Т., ИИВ Академия, 2003. – 5-11-б.
14. Хожиев Э.Т, Хакимов F.T. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма – Т., 2011. – 404 б.
15. Сабуров.Н. Бошқарувни демократлаштириш ва уни амалга оширишда сиёсий ҳуқуқий фаолликнинг роли. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2010. – №1.
16. Касимов.Б.Э., Исмоилов.Н.Т. Маъмурий қонунчилик: бугунги ҳолати ва истиқболлари. // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборотномаси. – 2010. – №1.
17. Халқаро ҳуқуқ: Маърузалар курси / Сайдов А.Х., Исҳакова Л.Ф.,

Матчанов А.А. ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 279 б.

18. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидағи таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар ходимлари учун дарслик. – Т., 2012. – 304 б.

Электрон таълим ресурслари:

<http://iiv.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

<http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);

<http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);

<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси);

<http://www.tsil.uz> (Тошкент давлат юридик университети);

<http://www.connect.uz> (Ўзбекистон умумтаълим портали);

<http://www.ziyonet.uz> (Ахборот таълим тармоғи).

ЭШҚУЛОВ ДОСТОН ЖАҲОНГИР ЎҒЛИ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ САФДОР ВА СЕРЖАНТЛАР
ТАРКИБИДАН ОФИЦЕРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАЙИНЛАШ
УЧУН ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ЎҚУВ КУРСИНИНГ ЮРИДИК
ТАЙЁРГАРЛИК БЛОКИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**Муҳаррир Н.З. Тасимов
Техник муҳаррир Д. Джалилов**

Босишига руҳсат этилди. Нашриёт ҳисоб табоғи 13,7.

Буюртма № _____. Адади 50 нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.